

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 330.322

Бустанов Азиз Хабибуллаевич

**АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА
ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

5A230201 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
и.ф.н., доцент Ф.О.Базаров**

Тошкент-2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	7
I БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ТУТГАН ЎРНИ ВА УЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ- УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	14
1. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида инвестицияларнинг тутган ўрни ва моҳияти.....	14
2. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг асосий тамойиллари	26
3. Алоқа корхоналарида инвестицион фаолиятни ташкил этишнинг хукукий – иқтисодий асослари.....	39
I Боб бўйича хулоса.....	45
II БОБ. АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	47
1. Иқтисодиётнинг реал секторларига жалб қилинган инвестициялардан самарали фойдаланиш таҳлили.....	47
2. “Ўзбектелеком” АКда инвестициялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.....	56
II Боб бўйича хулоса.....	69
III БОБ. АЛОҚА КОРХОНАДАРИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	70
1. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожланишида инвестициялардан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари.....	70
2. “Ўзбектелеком” АКда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари.....	84
III Боб бўйича хулоса.....	91
ХУЛОСА.....	92
АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ.....	95

К И Р И Ш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий иқтисодиётни ривожлантиришни таъминлаш имконини берувчи инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кенг аҳамият берилди. Иқтисодиётнинг устивор соҳаларига хорижий инвестиция ва кредитларини жалб қилиш ишлари жадаллаштириб юборилди. Шу ўринда инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш, уларни таҳлил қилиш долзарб масалалардан бирига айланди. Чунки инвестиция фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш ва пухта таҳлил этиш уларнинг муваффақиятли амалга оширилишини кафолатлайди.

Ички инвестиция манбаларининг чекланганлиги, хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида ҳам катта куч ғайратни талаб этмоқда. Қулай инвестиция муҳити яратилиши, давлат томонидан инвестиция фаолияти қонун йўли билан қўллаб-қувватланишига қарамасдан инвестиция жараёнларини ривожлантиришда бир қатор муаммолар мавжуд. Мамлакатда инвестиция муҳитини мувофиқлаштириш ва инвестиция жараёнларини жадаллаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш телекоммуникация соҳасининг ролини кундан-кунга ортиб боришини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек “Ўтган йили иқтисодиётнинг барча тармоқларига ва кундалик ҳаётимизга ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масаласига ўта муҳим эътибор қаратилди. Хусусан, “Шаҳарлараро коммутация марказларини янги авлод тармоқ технологиялари асосида модернизация қилиш ва кенгайтириш” (NGN), “FTTx технологияси бўйича кенг қамровли форматда фойдаланиш имконини берадиган оптик тармоқларни ривожлантириш”, “Ўзбекистон Республикаси минтақаларида EVDO технологияларини жорий этиш орқали CDMA-450 мобил тармоғини

ривожлантириш” каби ва бошқа йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш эътиборимиз марказида бўлди”.¹

Ушбу жараён телекоммуникация соҳаси Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг ривожланаётган соҳаларидан бири эканлигини кўрсатади. Алоқа соҳасидаги ташкилотларнинг асосий қисми ўз воситалари ва соҳани ривожлантиришга йўналтирилган хорижий кредитлар ҳисобидан ташкил топган. Телекоммуникация соҳаси жалб этилган инвестицияларни тез қопланишини таъминлайдиган соҳалардан биридир.

“2013 йилги Инвестиция дастурига Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси бўйича киритилган лойиҳаларга асосан корхоналарнинг ўз маблағлари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига жами 242,5 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилиб, режа (113,9 млн. АҚШ долл.) 213 фоизга бажарилди”.²

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида CDMA-450 мобил тармоғини EVDO технологияси ёрдамида ривожлантириш” ва “FTTx технологияси асосида кенг полосали оптик тармоқларни ривожлантириш” лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги ПҚ-2069-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Инвестиция дастури”нинг манзилли қисмига киритилди.

“2013 йилги Инвестиция дастури икки баравардан кўпроқ ортиғи билан бажарилган бўлсада, айрим лойиҳалар бўйича тасдиқланган тармоқ жадвалларидан ортда қолиш ҳолатлари кузатилди. 2014 йил Инвестиция дастурини бажарилишида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик, олдини олиш бўйича барча зарурий чоралар кўриш талаб этилади”.³

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 18 январ 2014 й.

^{2, 3} Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Х.М.Мирзахидовнинг “2013 йилда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси корхоналарини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва 2014 йилги вазифалар тўғрисида”ги маърузасидан

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда инвестиция фаолиятини ривожлантириш борасидаги муаммони мажмуавий тарзда ўрганиш, республикада маъқул инвестиция муҳитини яратиш, алоқа корхоналарининг инвестицион жозибadorлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантириш бўйича амалий маслаҳатлар ва ечимлар ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган дастлабки йиллардан бошлаб миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналишини белгилаб олди. Бугунги кунда ривожланган инвестицион фаолиятнинг йўлга қўйилиши ҳукуматимиз олиб бораётган оқилona инвестиция сиёсатининг натижаларидан биридир. Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, “2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион ортиқ капитал қўйилмалари ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этгани мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганидан далолат беради”⁴.

Ўзбекистон иқтисодиётидаги инвестицион жараённи назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш, корхоналар томонидан амалга ошириладиган узоқ муддатли инвестицияларнинг ҳозирги давр шарт-шароитларига мос келадиган қоидаларини ишлаб чиқиш, корхоналарнинг инвестициялардан фойдаланиш фаолиятини бозор муносабатлари талаби ҳамда мезонлари даражасида ташкил қилиш, шунингдек такомиллаштиришни услубий жиҳатдан асослаб бериш заруриятини талаб этмокда.

Алоқа соҳаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, соҳага бир қанча инвестициялар жалб қилинган. Ҳозирги рақобатлашган бозор шароитида алоқа корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларга жалб

⁴ Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: “Халқ сўзи”, 2012. 20 январь, 1-3 б.

қилинган инвестициялардан самарали фойдаланишни иқтисодий баҳолаш магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини асослаб беради.

Инвестиция фаолиятининг назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ қилишга, шунингдек, инвестициялар иқтисодий самарадорлигини услубий жихатдан ўрганишга чет эл иқтисодчи олимларидан Л.Гитман, У.Шарп - инвестициялашнинг назарий масалаларига. МДХ олимларидан Н.Г.Волков - узок муддатли инвестициялар ҳисоби ва уларни молиялаштиришга; Н.В.Игошин - инвестициялар назариясига; В.В.Ковалёв - инвестицион лойиҳаларни баҳолаш усуллариغا; А.Д.Шеремет - инвестицияларни таҳлили ва аудитини услубий масалаларига. Республикамиз олимларидан: Ё.А.Абдуллаев, С.С.Ғуломов, А.Ў.Ўлмасов, М.М.Шарифхўжаевлар - инвестицияларни назарий муаммоларига; Д.Ғ.Ғозибеков - инвестицияларни молиялаштириш масалаларига; А.К.Ибрагимов, А.А.Каримовлар - капитал қўйилма ва молиявий инвестицияларни бухгалтерия ҳисобига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар ва қўшиб келмокдалар.

Бироқ, ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу соҳада жуда кўп иш қилинганига қарамай, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашга доир айрим масалаларда олимлар ўртасида турлича қарашлар мавжуд бўлмокда. Бозор иқтисодиёти шароити корхоналарга жалб қилинган инвестициялардан фойдаланишни иқтисодий баҳолашни халқаро ва миллий стандартлар асосида ташкил этишни тақозо этади, улар олдида янгича вазифалар қўяди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот ишида объект сифатида “Ўзбектелеком” АК танлаб олинган. “Ўзбектелеком” АКга жалб қилинган инвестициядан фойдаланиш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар ва компаниянинг асосий молиявий кўрсаткичлари таҳлили тадқиқот ишининг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқот мақсади мамлакатни модернизация қилиш шароитида алоқа корхоналарида, хусусан, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, ютуқ ва

камчиликларини аниқлаш ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот иши белгиланган мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни ҳал этишни кўзда тутди:

- Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида инвестицияларнинг тутган ўрни ва моҳиятини очиқ бериш;
- Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг асосий тамойилларини ёритиб бериш;
- алоқа корхоналарида инвестицион фаолиятни ташкил этишнинг ҳуқуқий - иқтисодий асосларини ўрганиш;
- иқтисодиётнинг реал секторларига жалб қилинган инвестициялардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш;
- “Ўзбектелеком” АКда инвестициялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;
- Ўзбекистон иқтисодиётини ривожланишида инвестициялардан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш;
- “Ўзбектелеком” АКда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларнинг тутган ўрни ва моҳиятини, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг асосий тамойиллари, “Ўзбектелеком” АКда инвестициялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги, “Ўзбектелеком” АКда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тадқиқотнинг асосий масалалари ҳисобланади. Инвестиция, хорижий инвестиция, самарадорлик, иқтисодий самарадорликнинг асосий фаразлари ҳисобланади.

Мавзу бўйича адабиётларнинг қисқача таҳлили. Тадқиқот ишида тадқиқот мавзусига таалукли бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, асосий ва қўшимча адабиётлар, даврий нашрлар,

статистик тўпламлар ва ҳисоботлар ҳамда Интернет сайтларидан фойдаланилди.

Тадқиқот ишида қўлланилган услублар. Диссертацияда иқтисодий, мантикий, илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, статистик ўлчам ва математик метод, қиёслаш ва гурухлаш услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг якуний натижалари республикаимиз миқёсида иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицияларнинг тутган ўрни алоҳида тадқиқ этилди ва унинг самарадорлигини ошириш учун аҳамиятли бўлган назарий, услубий ва амалий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, тўпланган илмий маълумотлар, “Ўзбектеком” АКнинг инвестициядан самарали фойдаланиш йўллари кенгайтиришга асос бўлади. Илмий тадқиқот материаллари: “Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда инвестицион фаолликнинг аҳамияти” Ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизимларини самарали ривожлантириш истиқболлари Республика илмий-техник анжуманида (2014 йил), “Методы оценки эффективности инвестиционных проектов” Таълим тизимини ривожлантиришда таълим босқичлари ўртасидаги интеграция жараёнларини чуқурлаштириш мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманида (2014 йил), “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестиция сиёсати” Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари Республика илмий-амалий конференциясида (2014 йил) “Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицион фаолиятни жадаллаштириш” Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари Республика илмий-амалий конференциясида (2014 йил) ва кафедрада (№ 5 протокол) муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган. Диссертация мавзуси бўйича 4 та илмий мақола чоп этилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация ишини бажаришда магистрант томонидан:

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицияларнинг тутган ўрни алоҳида тадқиқ этилди;
- хорижий инвестициялар ва уларнинг жалб этиш йўллари кўриб чиқилди;
- иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялардан самарали фойдаланишга таъсир этадиган омиллар гуруҳи ишлаб чиқилди;
- “Ўзбектелеком” АКда инвестицияларнинг ўрни ва улардан фойдаланиш йўллари таҳлил этилди;
- “Ўзбектелеком” АКда инвестициядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ва таклифлар берилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Магистрлик диссертацияси таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация иши 94 бетдан иборат.

I БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ TUTTAN ЎРНИ ВА УЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида инвестицияларнинг тутган ўрни ва моҳияти

Бугунги кунда Республика иқтисодиётининг ривожланишида инвестицияларнинг аҳамияти жуда катта бўлиб, унинг талаблари асосида интеграциялашуви ҳамда маҳаллий корхоналарнинг унда фаол иштирок қилиши муҳим ҳисобланади.

Хорижий инвестиция ўзининг бутунжаҳон глобаллашуви ва унда капиталнинг айланувчанлигини ошириши билан ривожланган ва ривожланаётган давлатлар иқтисодиётларига сезиларли таъсир қилиб, ўз навбатида унинг таъсирига таъёр давлатларда ижобий ва тайёр бўлмаган давлатларда эса иқтисодни инқирозга олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиёти ислохотларини чуқурлаштириш даврида муқаррар тарзда, қадам-бақадам хорижий инвесторлар билан хўжалик алоқаларини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Ушбу ҳолат нафақат мамлакатимизнинг инвестиция соҳасидаги сиёсатини шаклланишига таъсир кўрсатадиган ҳолатларни балки хорижий инвестиция асосидаги корхоналар фаолияти бошқарувини ҳар томонлама ҳисобга олишни ва уни замон талаби асосида такомиллаштиришни талаб қилади.

Маълумки, инвесторлар ўз сармоясини корхона, дўкон, ишлаб чиқариш дастгоҳлари ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун патент ёки лицензия сотиб олишга, қимматли қўғозларга, таълим ва маданий даражасини оширишга, коллекцияларга, муайян фоиз эвазига банк депозитларига ва бошқа нарсаларни сотиб олишга жойлаштирадilar. Шунинг учун ҳам “инвестициялар”нинг иқтисодий мазмун ва моҳияти тўғрисида иқтисодчи олимлар ўртасида хилма-хил фикрлар мавжуд. Инвестицияларга тугал бир

таъриф берилмаган ҳар қайси изланувчи бу категорияга нисбатан ўз ёндашув услуби ва фикрига эга эканлиги билан ажралиб туради.

Иқтисодий адабиётларда “инвестициялар”нинг иқтисодий мазмуни турлича талқин қилинмоқда. Аксарият ҳолларда, инвестиция деганда, келгусида даромад олишни мўлжаллаб, ҳозирда муайян иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш тушунилар эди. Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни, моҳиятини ўрганишга бағишланган илмий адабиётлар қаторида хориж олимлари, МДХ мамлакатлари билан бир қаторда, кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам инвестицион фаолиятнинг иқтисодий масалаларини ўрганиш бўйича жиддий илмий изланишлар олиб борилмоқда ва муайян муваффақиятларга ҳам эришилмоқда.

Хусусан, хориж олимлари У.Шарп, Г.Александр, Д.Бейлиларнинг фикрига кўра: “Инвестициялар-жорий лаҳзада муайян бир қимматликдан келажакдаги (балки ноаниқ бўлган) қимматлик учун воз кечишдир”⁵, - деб талқин этилган.

Ушбу таърифда инвестицияларнинг келгусида даромад олиш мақсадида қилинган қўйилмалар сифатида эътироф этилган. Мазкур фикр моҳиятан тўғри, инвестиция моҳиятининг намоён бўлиш шаклларида бири ҳисобланади. Аммо инвестиция моҳиятининг бошқа намоён бўлиш шакллари, жумладан, ижтимоий самара олиш мақсадида амалга оширилишини, иқтисодий рискларга доимий тарзда учраши мазкур таърифда ўз аксини топмаган.

Россиялик иқтисодчи олим В.Г.Золотогоровнинг фикрига кўра: “Инвестициялар - бу даромад (фойда) олиш ва ижтимоий самарадорликка эришиш мақсадида тадбиркорлик объектига ва бошқа фаолият турларига сарфланаётган пул маблағлари, мақсадли банк омонатлари, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қўғозлар, технологиялар, машина ва ускуналар, лицензиялар, шу жумладан товар белгиларига оид лицензиялар, кредитлар,

⁵У.Александр, Г.Бейли, Д.Инвестиции: Пер. с англ. - М.: Инфра-М, 1999. - XII, 1 с.

бошқа ҳар қандай мулк ёки мулкӣ ҳуқуқлар, интеллектуал (ақлий) бойликлардир”⁶, - деб таъриф берилган.

Бизнинг фикримизча, мазкур таъриф инвестициянинг моҳиятини очишда маълум чалкашликларни юзага келтиради. Чунки бу таърифда инвестицион қўйилмалар, инвестицион ресурслар ва инвестиция объектлари қўшилиб кетган. Фикримизча, мақсадли банк омонатлари инвестицион харажатларни молиялаштиришга йўналтирилган тақдирдагина инвестиция мақомига эга бўлади. Бундан ташқари, кредитлар ҳам инвестиция сифатида эътироф этилган. Ҳолбуки, кредитни иқтисодий категория сифатида инвестициядан тубдан фарқ қилиши ўз исботини топган.

Ўзбекистонлик олимлардан проф. Д.Г. Ғозибековнинг фикрига кўра: “Инвестициялар – бу назарда тутилган ва тутилмаган, аммо эҳтимоли бор рисклар ҳамда кўзланаётган самараларни баҳолаш асосида, ўз ва ўзга маблағлар қийматини капиталлашуви ва жамғарилишини таъминлаш мақсадида молиявий ва реал активларга боғланиши”⁷, - деб таъриф беради.

Баён этилган таърифда, инвестицияларни аниқ ва ноаниқ рисклар билан боғлаш ва молиявий оқибатларни прогнозлаш ҳамда реал ва молиявий активларга эга бўлиш йўли билан уларни капитал ҳаракатланиш жараёнларига боғлаш мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Н.Ҳайдаровнинг таъриф беришича: “Инвестициялар – бу мулк шаклидан қатъий назар, тадбиркорлик асосида фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашидир”⁸.

⁶ Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование: Учеб. пособие.-Минск.: ИП “Экоперспектива”, 1998. - 11 с.

⁷ Ғозибеков Д.Г. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Т.: 2002, 6 б.

⁸ Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: 2003, 14-15 б.

Мазкур таърифда инвестициянинг моҳияти янада тўлароқ тарзда очиб берилган. Хусусан, давлат, аҳоли ва турли мулк шаклдаги корхоналарни молиявий, мулкӣ ва интеллектуал бойликларни тегишли қонунлар доирасида сарфланиши ўзининг аниқ аксини топган.

Инвестиция мазмунини, моҳияти ва мақсадини ёритувчи қатор фикр-мулоҳазаларни таҳлил қилар эканмиз, бевосита Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунида берилган таърифни ҳам кўриб чиқамиз. Ушбу таърифга кўра: “Инвестициялар – иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар”⁹, - деб таъкидланган.

Фикримизча, ушбу қонунда берилган иқтисодий таъриф жуда содда берилган бўлиб, инвестицияларнинг тўлиқ моҳиятини очишда мазкур таърифни оддийлигини сақлаган ҳолда бир оз мақсадли кенгайтириш ўринлидир.

Кўрсатиб ўтилган ва таҳлил қилинган фикр-мулоҳазаларнинг рўйхатини ўқувчининг ўзи осонлик билан давом эттириши мумкин ва уларнинг барчаси инвестицияларга тааллуқлидир. Юқорида қайд этилган мулоҳазаларнинг барчасига хос бўлган иккита белгини ажратиш мумкин.

Биринчи белгиси: инвестициялар - бу ўз маблағлари ёки қарзга олинган маблағларни кўриб чиқилган ҳар қандай лойиҳалардан бирига сарфланишини билдиради. Бунда асосан ишлаб чиқариш ва савдони ривожлантириш, коллекцион бойликлар тўплаш, муайян маҳорат, кўпинча касбга оид кўникма ва маҳоратни эгаллаш, ҳеч қандай фойдали натижа келтирмайдиган ва фақат ишлаб чиқаришга жорий этилган тақдирдагина самара бериши мумкин бўлган айрим технологиялардан фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олиш назарда тутилади.

Иккинчи белгиси - юқорида келтирилган барча ҳолатлар учун умумий бўлиб, инвесторлар кўриб чиқилган ҳар бир инвестиция лойиҳасидан

⁹Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни. // Солиқ тўловчининг журнали. 2-сон, 2009 й.

олинган натижаларни жорий истеъмоли ва шахсий эҳтиёжларни қондиришга эмас, балки муайян узоқ муддатли мақсадларга эришиш учун йўналтирадilar. Ушбу сўнгги ҳолат инвестициялаш жараёнида инвесторларни олинаётган даромадидан ўз турмуш даражасини оширишда фойдаланишларини чекламайди.

Якка тартибдаги инвестор инвестиция қарорини қабул қилар экан, ўз маблағларини жорий истеъмол ва у билан боғлиқ бўлмаган инвестиция ўртасида тақсимлайди. Бундай муаммо корхонанинг даромадини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга, корхона фаолиятини диверсификация қилишга, сармоя эгаларининг тадбиркорлик даромадини олишига, акциялар бўйича дивидендлар шаклида тўловларни амалга оширишига тақсимлаши ҳақида қарор қабул қилувчи менежери олдида ҳам пайдо бўлади.

Акциядорлар олаётган дивидендларни қайси мақсадлар учун сарфлашини олдиндан айтиши қийин. Акциядорлик жамияти ёки компанияси томонидан тўланган дивидендлар инвестициялар ҳисобланмаслиги бизга маълум. Шунинг учун ҳаражатларни инвестиция ва жорий истеъмолга ажратишни инвесторнинг мақсадларига мувофиқ ҳолда амалга ошириш мумкин. Инвестициялашда жорий истеъмол билан боғлиқ бўлмаган узоқ муддатли мақсадлар кўзланади. Бироқ, амалиётда қисқа муддатли мақсадни кўзлаган инвестиция лойиҳаси ҳам амалга оширилиши мумкин. Уларга, масалан, қуйидагиларни киритиш мумкин: бир кунга ва ҳатто бир кечага кредит бериш; яқин орада валюта курсини кескин ошиб кетишини кутган ҳолда қайта сотиш мақсадида конвертирланадиган валюта сотиб олиш; қимматли қоғозлар билан амалга оширилган ана шундай операциялар ва бошқа лойиҳалар.

Юқорида қайд этилган фикрларга ҳулоса қилиб, «инвестициялар»га кенг маънода қуйидагича таъриф бериш мумкин: “Инвестициялар — бу давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг даромад олиш ва бошқа ижобий самарадорликка эришиш мақсадида мамлакат ичкарисида ва ташқарисида янги корхоналар ташкил

етиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш, қайта таъмирлаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, кўчмас мулк, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда активларни сотиб олишга йўналтирилаётган молиявий маблағлари, мулкӣ ва интеллектуал бойликлардир”.

Ўз мақсадларига мувофиқ ҳолда фаолият юритаётган ва уларга эришиш учун тўлиқ жавоб берадиган инвестор бўлиб сармоя ёки юридик шахс номидан инвестицион ва молиявий қарорлар қабул қилишга ваколатли бўлган шахс ҳисобланади. Сўнгги ҳолатда инвестициялаш тегишли фирма ёки акциядорлик жамиятининг ўз маблағлари ва қарзга олинган маблағларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади.

Инвестиция ва жорий истеъмол тушунчалари ўртасидаги фақат кўзланган мақсаднинг узоқлиги билан баҳоланадиган чегара ҳар доим ҳам аниқ бўлмайди. У яратилаётган инвестиция объекти ва ундан фойдаланишининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Автоматлаштирилган лойиҳалаштириш тизимиға ёки нефть қазувчи ускуналарға сармоя сарфлаш инвестицияларға киради, автомобиль ёки мебель сотиб олиш корхона учун инвестиция объекти ёки рўзғор хўжалиги учун жорий истемол бўлиши мумкин.

Зарур фойдали натижаларни қўлга киритиш ва инвестиция лойиҳасини амалға ошириш пайтида инвестор томонидан қўйилган мақсадларға эришиш фақат муайян моддий асос мавжуд бўлган ёки шаклланаётган ҳоллардагина рўй бериши мумкин. Инвестициялаш натижасида яратилаётган объект ана шундай моддий асос бўлиб ҳисобланади. Ундан самарали фойдаланиш даромад олиш ёки инвесторнинг бошқа мақсадларига эришишнинг моддий асосларини таъминлайди. Баъзан, ушбу объектға кўзға кўринарли объект сифатида қаралади, масалан, инвестиция лойиҳаси асосида янги корхона қурилиши ёки фаолият кўрсатаётган корхонани кенгайтиришни кўзда тутган ҳолатларда намоён бўлиши мумкин. Инвестициялаш натижасида пайдо бўладиган янги ишлаб чиқариш қувватлари айнан маҳсулот ишлаб

чиқаришни кўпайтириш, фойдани ошириш ёки қўшимча даромад олишнинг моддий асоси ҳисобланади.

Кўпинча инвестиция объекти кўзга кўринмайдиган объект сифатида ҳисобга олинади, масалан, сармояни муайян фоиз эвазига банкка жойлаштиришда шундай ҳолат юзага келади. Бундай қўйилмалар асосан ушбу банк кредитларидан фойдаланадиган ва олинган қўшимча фойдадан кредит учун фоизлар сифатида банкка тўловларни амалга оширадиган корхоналар томонидан амалга оширилади. Банкка келиб тушаётган маблағлар эса ўз навбатида, омонатчиларга фоиз тўлашга йўналтирилади. Мазкур корхонанинг фаолият юритиш шароити ва имкониятлари пул маблағларини банк депозитларига жойлаштираётган инвестор томонидан ҳисобга олинмайди. Ана шундай корхоналарнинг фаолияти уларнинг даромад олишини таъминлайди.

Бизнинг назаримизда, яратилаётган ва мулкни инвестиция қилиш натижасида сотиб олинаётган инвестиция объектларининг қайд этиб ўтилган хусусиятларига мувофиқ инвестицияларни молиявий, моддий ёки ашёвий ва номоддий инвестицияларга ажратиш мумкин:

- молиявий инвестициялар-сармояни турли хил молиявий активларга, яъни облигациялар, акциялар ва корхонанинг бошқа қимматли қўғозларига сарфлашдан иборат. Молиявий инвестицияларга шунингдек, муддатли депозитга қўйилган банк омонатлари, кредит бериш, даромад фоизи қатъий белгилаб қўйилган ҳамда қоплаш муддати кўрсатилган дисконтли ва купонли облигацияларни сотиб олишни кўзда тутувчи кредитлашнинг турли шакллари, эркин конвертирланадиган валютани сотиб олиш ва ҳоказолар киради.

- моддий ёки ашёвий инвестициялар моддий объектлар барпо этишни кўзда тутади. Бунда кўчмас мулк (бинолар, иншоотлар, ер майдонлари, транспорт инфратузилмаси); ишлаб чиқариш ускуналари (станоклар, узлуксиз линиялар, технологик мажмуалар ва х.к.); айланма воситалар (хом-

ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва механизмлар) ва бошқаларга маблағ сарфланиши назарда тутилади.

- номоддий инвестициялар деганда, инвестор сармоясини такрор ҳосил қилиш ва кенгайтиришга ҳамда унинг мулкӣ воситалар балансида акс эттирилмайдиган номоддий ресурсларга қилинган қўйилмалар тушунилади. Улар ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштиришга, фирма ёки корхона ходимларини ўқитиш ва малакасини оширишга маблағ сарфлашни, ёки кенгроқ изоҳлайдиган бўлсак, патентлар, лицензиялар, “ноу-хау”, инновация (кашфиётлар ёки янги техник, технологик ечимлар) каби номоддий мулкларга қилинган қўйилмаларни ўз ичига олади. Шунингдек, номоддий активларга турли хил ижтимоий тадбирлар ва дастурлар ҳам киритилади.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида инвестиция объектнинг роли ва аҳамияти анча ўзгарди. Ҳар қандай инвестор учун биринчи даражали муҳим иш бўлиб, лойиҳани молиялашда ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш ҳисобланади, яратилаётган объект эса уларга эришиш воситасидир. Инвестиция объекти муайян моддий эҳтиёжларни қондириш воситаси сифатида инвесторда қўйилган мақсадларга эришишда кўмаклашиши мумкин бўлганлиги учунгина қизиқиш уйғотади холос. Мазкур мақсадлар ушбу объектда чиқарилиши мўлжалланаётган маҳсулотга бўлган эҳтиёжни қондириш билан азалдан мос келмайди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, инвестор тегишли объектни яратишда, унинг ишини шундай ташкил қиладики, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизмат истеъмолчилар ўртасида харидорбоб бўлиши лозимдир, акс ҳолда у фойда олмайди ёки кўзланган бошқа мақсадларга эриша олмайди. Бироқ, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот хизматларга нисбатан тўловга лаёқатли талабнинг пасайиши, хаттоки уларга бўлган эҳтиёж сақланиб қолган тақдирда ҳам, инвесторга кўзланган мақсадларга эришиш имконини бермайди. Бу ҳолда у ушбу инвестиция объектини тугатишга мажбур бўлади ва бўшаган сармояни

мақсадли сарфлайди, бунинг натижасида эса фойдага эга бўлади ва қўйилган мақсадларга эришиш имкони пайдо бўлади.

Объектни (корхона, дўкон, омбор, ускуна ва х.к.) яратиш инвестор учун оралик босқич ҳисобланади ва мазкур объект қўйилган мақсадларга мос келмаган ҳолатларда тугатиб юборилади. Ушбу мақсадларга эришиш учун инвесторга инвестициялаш моҳиятини очиб берадиган муайян хатти-ҳаракатлар мажмуини бажаришга тўғри келади. Ҳаракатларнинг бундай йиғиндиси инвесторнинг инвестицион фаолияти деб аталади.

Ҳар қандай инвесторнинг муайян инвестицияни амалга ошириш билан боғлиқ инвестицион фаолияти деганда, унинг қўйилган мақсадларга эришиш, объект яратишни асослаш ва молиялаштириш, уни самарали ва фойдали ишлатиш, ушбу объектдан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган имкониятларни амалга ошириш ва инвестор мақсадларига эришишда айрим муаммолар пайдо бўлганда, уларни бартараф этиш ёки фаолиятини тугатиш кабиларни ўз ичига олган муайян ҳаракатлар тушунилади.

Кенг маънода олганда, инвестиция фаолияти ғояни ишлаб чиқариш ва инвестиция лойиҳасини асослашни, моддий-техник ва молиявий таъминотни, яратилаётган объект фаолиятини бошқаришни, ўзгараётган ташқи шарт-шароитларни инобатга олишни ва инвестор томонидан қўйилган мақсадларга эришиш имкониятларига мувофиқ ҳолда фаолиятини тугатиш ёки йўналишини ўзгартиришни кўзда тутати. Алоҳида инвесторлар фаолиятини таҳлил қилишда, шуни назарда тутиш лозимки, аниқ мақсадларини амалга оширилиши бундай фаолият жараёнида яратилаётган ва инвесторлар ўз мақсадларига эришиш воситаси сифатида қарайдиган объект билан фақат бир восита боғлиқ бўлиши мумкин.

Бугунги кунда инвестицион фаолиятнинг жамламасини таърифлашда ҳамда қўйилмаларнинг самарадорлигини таҳлил ва баҳолашда, уни инвестиция фаолияти ва инвестиция объектлари тушунчаларига ажратиш, инвестициялар қимматини белгилаш ҳамда сармоя сарфлаш ҳаражатларини қийслашда лозим бўлган фойдали натижаларни аниқлаш сезиларли таъсир

кўрсатади. Агарда инвестицияга фақат бирон бир объектни яратиш сифатида қаралса, бу ҳолда унинг қиммати ушбу объектнинг қиммати билан белгиланади. Бундай ёндашув эса инвестициянинг муайян корхона ёки ишлаб чиқаришни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган қиммати унинг бозор қийматига мос келишини аниқлатади. Бирор корхона харидори учун бундай баҳолаш, сотиб олиш учун инвесторда ўз маблағлари ва қарзга олинган маблағлари етарлигидан қатъий назар, унинг сотиб олиш имкониятини акс эттиради ва бу унинг инвестиция киритиш ҳақидаги қарорига таъсир кўрсатадиган сезиларли омил бўлиб ҳисобланмайди.

Иқтисодий категория сифатида инвестициялар мамлакат иқтисодиётини нормал ривожланишига ўз таъсирини кўрсатувчи қатор муҳим функцияларни бажаради.

Макродаражада инвестициялар қуйидагилар учун асос бўлиб хизмат қилади:

- кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш сиёсатини амалга оширишда;
- илмий техник тараққиётини тезлаштиришда, маҳаллий маҳсулотлар сифатини яхшилашда ва рақобатбардошлигини таъминлашда;
- умумий ишлаб чиқаришни таркибий қайта қуришда ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини тенг ривожланишида;
- саноатнинг зарурий хом-ашё базасини ташкил этишда;
- қурилиш, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларини ривожлантиришда ҳамда бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этишда;
- ишсизлик муаммосини ҳал этишда ёки енгиллаштиришда;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилишда;
- мамлакатнинг бошқа муҳим муаммоларини ҳал этишда.

Мамлакатимиз иқтисодиёти учун инвестициялар энг аввало, уни барқарорлаштириш, ривожлантириш ва кўтариш учун зарурдир. Шундай қилиб, инвестициялар иқтисодиёт ўсишини олдиндан белгилаб беради. Жамиятнинг реал сармоясини ошиши (машина, ускуналарни сотиб олиш, бинолар, муҳандислик иншоотларини таъмирлаш ва қуриш) иқтисодиётнинг

ишлаб чиқариш салоҳиятини оширади. Ишлаб чиқаришга, янги технологияларга киритилган инвестициялар қаттиқ рақобат курашидан (ички бозордаги ва айни пайтда ташқи бозордаги рақобатлардан) муваффақиятли чиқишга ёрдам беради, ўз маҳсулоти нархларини бошқариб бориш имконини беради ва ҳоказо.

Макроиқтисодий миқёсда мамлакатимизда бугунги фаровонлик жиҳатдан кечаги инвестицияларнинг меваси ҳисобланади, бугунги инвестициялар эса, ўз навбатида, эртанги ишлаб чиқаришни ўсиши ва нисбатан янада юқори фаровонлик пойдеворини яратади. Биз доимо “қайси йўлни танлаш зарур”, яъни бугунги истеъмолни танлаш керакми ёки эртанги истеъмолними, шулар ҳақида бош қотирамиз. Бугунги кунда биз ишлаб чиқариш маҳсулининг қанчалик кўп қисмини жамғарсак, эртага бизнинг истеъмол қилиш имкониятларимиз ҳам шунчалик катта бўлади. Аксинча, бугун биз қанчалик кўп ресурсларни истеъмолга сарфлаб юборсак, эртанги кунда бизнинг янада юқорироқ даражада истеъмол қилиш имкониятларимиз шунчалик паст бўлади.

Узоқ муддатли инвестициялар истиқболда ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайтирилишига таъсир кўрсатиши билан биргаликда, ҳозирда мавжуд бўлган қувватлардан фойдаланишга ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Инвестициялар микродаражада ҳам ўта муҳим ўрин тутди. Ушбу даражада улар энг аввало қуйидаги мақсадларга эришиш учун зарурдир:

- ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш;
- асосий фондларнинг хаддан ташқари маънан ва жисмонан эскиришига йўл қўймаслик;
- ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш;
- муайян корхона маҳсулотининг сифатини ошириш ва унинг рақобатбардошлилигини таъминлаш;
- табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш;

- бошқа корхоналар активларини сотиб олиш ва активларга маблағ сарфлаш.

Шунингдек, улар корхонанинг келгусида самарали фаолият юритиши, унинг молиявий барқарорлигини ва даромадларини оширишини таъминлаш учун зарурдир.

Шундай қилиб, инвестициялар муҳим иқтисодий категория ҳисобланиб, макро ва микро даражаларда, оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил қилишда, таркибий ислохотларни амалга оширишда, фойдани оширишда ва шу асосда кўпгина ижтимоий муаммоларни ҳал этишда муҳим роль ўйнайди.

Инвестицияларни ҳисобга олишни ташкил қилиш ва самарадорлигини оширишда уларни макро ва микро даражада илмий асослаш зарур. Инвестицияларнинг илмий жиҳатдан асосланган таснифи нафақат уларни тўғри ҳисобга олиш, балки улардан ҳар томонлама фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш ва шу асосда макро ва микро даражаларда самарали инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун объектив ахборот олиш имконини беради.

Режали иқтисодиёт амалда бўлган даврда мамлакатимиз илмий адабиётларида ва амалиётда кўпроқ капитал қўйилмаларга қараб таснифланган эди.

Инвестицияларнинг ушбу таснифланиш белгиларига кўра, бўлажак объектларнинг мақсадли йўналишига қараб капитал қўйилмалар қуйидагиларга ажратилган:

- ишлаб чиқариш объектларини қурилишига йўналтирилган капитал қўйилмалар;

- маданий-маиший муассасалар қурилишига йўналтирилган капитал қўйилмалар;

- қидирув ва геологоразведка ишларига йўналтирилган капитал қўйилмалар.

Молиялаш манбаларига кўра, ўз навбатида марказлашган ва марказлашмаган капитал қўйилмаларга бўлинган эди.

Асосий воситаларнинг такрор ишлаб чиқариш шаклига қараб:

- янги қурилишларга йўналтирилган капитал қўйилмалар;
- фаолият юритаётган корхоналарни кенгайтириш ва қайта жиҳозлашга йўналтирилган капитал қўйилмалар;
- техникавий қайта қуроллантиришга йўналтирилган капитал қўйилмаларга ажратилган.

2. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг асосий тамойиллари

Ўзбекистон иқтисодиётига хориж инвестицияларини жалб этиш ва хориж инвестиция ҳуқуқларини кафолатлаш, уларга қулай шарт-шароитларни, ишлаб чиқариш имконияти берилганлигини мамлакат иқтисодий тараққиётини бир жиҳатдан тезлаштирмоқда, иккинчи жиҳатдан давлатнинг молия сиёсати, ишлаб чиқариш сиёсати, хусусан инвестиция сиёсати нақадар асосли, ҳаётий ва амалиётга яқин эканлигини кўрсатади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга амалдаги солиқлар ва божлар юзасидан қатор енгилликлар, имтиёзлар белгиланган. Ушбу имтиёзларнинг амал қилиши бевосита мамлакатимизда юритилаётган инвестиция сиёсатининг асосий негизларидан бирини ташкил этиб, ўз ижобий самарасини бермоқда. Масалан, Республикамизда хорижий инвесторлар ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкдан бож тўлови олинмайди, Республика инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга сарф этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари даромад (фойда) солиғидан 7 йил муддатга озод этилган, корхона жамғармасида хорижий инвестиция маблағлари ҳиссаси 50% ва ундан юқори бўлса, улар 2 йил муддатга даромад (фойда) солиғидан озод қилинган ва бошқа солиқ

имтиёзлари белгиланган. Бозор иқтисодиётига ўтилиши билан мазкур таснифлашлар ўзининг илмий ва амалий аҳамиятини йўқотмади, лекин улар қуйидаги сабабларга кўра етарли бўлмай қолди:

Биринчидан, инвестиция – капитал қўйилмага қараганда анча кенг тушунча. Маълумки, инвестициялар реал инвестиция қўйилмаларини ва айна пайтда портфель қўйилмаларни ҳам ўз ичига олади. Мазкур таснифлаш эса портфель инвестицияларни мутлақо ҳисобга олмайди.

Иккинчидан, бозор муносабатларига ўтилиши билан капитал қўйилмаларни, шу билан бирга инвестицияларни молиялаштириш усуллари ва услублари ҳамда уларни қўллаш соҳалари анча кенгайди. Буларнинг барчаси юқорида қайд этилган таснифлашда мавжуд эмаслигини кўришимиз мумкин.

Инвестицияларни чет эл адабиётларида келтирилган тарзда таснифлаш ва уларни мамлакат амалиётида қўллаш учун умумлаштириш илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда кўпчилик илмий адабиётларда келтириладиган инвестицияларни таснифлаш белгиларини 1-расмда кўриш мумкин.

Илмий адабиётларда инвестицияларнинг бошқа таснифлари келтирилган. Назаримизда, бу таснифлашларнинг барчаси амалий жиҳатдан ҳам, айниқса илмий жиҳатдан ҳам амалда бўлишга ҳақли. Бироқ ҳозирги замонавий шароитда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида, уларни батафсил тасаввур қилиш ва чуқур таҳлилдан ўтказилишда ушбу таснифлар етарли эмаслиги аниқ-равшан. Бизнингча, бугунги кунда корхоналар даражасида қуйида келтирилган таснифлашни ўтказиш ўта муҳимдир.

Диссертация ишида келтирилган хорижий инвестицияларнинг таснифланиши инвестицияларни лойиҳалаштириш, содир бўлаётган жараёнларни ҳар тарафлама баҳолашда ва моҳиятини тўғри тушуниб олиш учун зарурдир (1-расм).

Хорижий инвестицияларни таснифлашнинг қайд этиб ўтилган белгилари асосида таҳлил қилишнинг афзаллиги шундаки, бунда корхона ўз инвестицияларидан қайси мақсадларда фойдаланиши мумкинлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Моҳиятан, бу таснифлаш корхонанинг инвестиция портфели хусусиятларига хос бўлиб, инвестицияларнинг молиявий таваккалчилик даражасини минимал пасайтириш ва иқтисодий фойдани кўпайтиришнинг мақбул йўллари танлашда корхоналар фаолияти учун ўта муҳим ҳисобланади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, улар фаолияти билан боғлиқ бўлган бир қатор муҳим жиҳатларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти йўлга қўйилиши учун қўйидаги босқичлар амал қилишини таъкидлаш мумкин:


- корхонани очиш учун шерик танлаш;
- хорижий инвестиция иштирокидаги корхонани очишга қарор қабул қилиш;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани очиш ва фаолиятини режалаштириш.

Ушбу белгилар билан яқиндан танишиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда:

1. Инвестицияларни қўйидаги турларга ажратиш мумкин:

- пул маблағлари, банкдаги мақсадли омонатлар, бадаллар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;
- кўчириладиган қоғозлар;
- муаллифлик ҳуқуқи, тажриба ва интеллектуал бойликларнинг бошқа турлари билан боғлиқ ҳолда келиб чиқадиган мулкӣ ҳуқуқлар;
- патентлаштирилган (“ноу-хау”лардан ташқари) техника, технология, тижоратга оид бўлган техник воситалари, кўникмалари ва у ёки бу ишлаб чиқариш тажрибаси кўринишида ифодаланувчи билимлар мажмуи;

- ердан, сувдан, ресурслардан, уйлardan, иншоатлардан, жиҳоз ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш ҳуқуқлари, ҳамда бошқа мулкӣ ҳуқуқлар;
- бошқа турдаги бойликлар.



1-расм. Хорижий инвестицияларнинг таснифланиш белгилари.

2. Маблағ қўйиш объектларга киритиладиган инвестициялар деганда қуйидагилар назарда тутилади:

- ҳақиқӣ инвестициялар ёки моддий (бинолар, иншоатлар, асбоб-ускуналар ва ҳ.к.) ва номоддий (ҳужжатлар кўринишидаги патентлар, лицензиялар, “ноу-хау”, илмӣ-техникавий ва лойиҳа-конструкторлик ишлари, дастурий воситалар ва ҳ.к.) активлар;

- молиявий инвестициялар ёки турли молиявий воситалар – қимматли қоғозлар, депозитлар, мақсадли банк омонатлари учун сарфланган маблағлар.

3. Инвестициялар билан таъминлашда иштирок этишнинг хусусиятига кўра:

- инвесторнинг инвестиция киритиладиган объектни танлаб олишда бевосита иштирок этиши назарда тутиладиган бевосита инвестициялар. Бунда инвестор инвестиция даврининг барча босқичларида, шу жумладан, инвестиция билан таъминлашдан олдин ўтказиладиган тадқиқотлар, инвестиция объектини лойиҳалаштириш ва қуриш, ҳамда асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнларида бевосита иштирок этади.

- молиявий маблағларни тўплаш ва улардан самарали равишда фойдаланиш мумкин бўлган ҳолда ўз ихтиёрига кўра жойлаштириш билан шуғулланувчи турли хил молиявий воситалар (инвестиция жамғармалари ва компаниялари) томонидан амалга ошириладиган билвосита инвестициялар. Бундай воситачилар инвестиция киритилган объектларни бошқаришда иштирок этадилар, мазкур объектлардан олинган даромадлар эса мижозлар ўртасида тақсимланади. Қимматли қоғозлар сотиб олишдан келиб тушган ва бир бутун сифатида бошқарилувчи маблағлар портфель маблағлари (йиғма маблағлар) деб аталади.

4. Инвестиция билан таъминлаш даврида қуйидаги турдаги инвестицияларни ажратиш мумкин:

- одатда бир йилдан ортиқ бўлмаган муддат ичида фойдаланиш учун ажратиладиган қисқа муддатли инвестициялар (қисқа муддатли депозит қўйилмалари, омонат сертификатлари);

- бир йилдан ортиқ муддатларда фойдаланиш учун ажратилган узок муддатли инвестициялар.

5. Инвесторларнинг иштирок этиш шакллари қуйидагича бўлиши мумкин:

- янги ташкил этилаётган корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятида қисман иштирок этиш ёки аввалдан фаолият кўрсатиб келаётган

корхоналар мулкининг бир қисмини сотиб олиш (маъсулияти чекланган жамият фаолиятида улуш билан иштирок этиш);

- тўлалигича инвесторга тегишли бўлган корхоналар ташкил қилиш ёки аввалдан фаолият кўрсатиб келаётган корхоналарни бутунлай сотиб олиш;

- кўчириладиган ва кўчмас мулкларни тўғридан-тўғри акциялар, облигациялар ёки бошқа турдаги қимматли қоғозлар чиқариш йўли билан сотиб олиш;

- табиий ресурслардан фойдаланиш учун концессияларга, ердан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларга эгалик қилиш.

6. Инвестициялар молиявий таваккалчилик (молиявий хавф) даражасига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- молиявий хавф туғдирмайдиган инвестициялар. Масалан, бир қатор мамлакатларда давлат томонидан чиқариладиган қисқа муддатли облигациялар учун маблағ сарфлаш хавфсиз ҳисобланади, сарфланган маблағларни баҳолаш пайтида улардан келадиган даромад эса инвестиция таваккалчилиги даражасини ҳисоблаш нуқтаси сифатида фойдаланиладиган хавфсиз миқдорни белгилайди;

- молиявий хавф туғдириши мумкин бўлган инвестициялар. Инвестиция жараёнидаги молиявий хавф ёки ноаниқлик даражаси, масалан, вақт, инвестиция маблағи сарфланган объект ва бошқа омилларга боғлиқ равишда юзага келади. Инвестиция жараёни тугагандан кейин бозорнинг корхона фаолияти натижаларининг ўзгаришига бўлган муносабати қандай бўлиши мумкинлигини билмаслик оқибатида юзага келиши мумкин бўлган хавф даражаси инвестиция муддатлари ва эришилган натижалар, лойиҳа кўлами, унинг мақсадлари (янги маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш, сотиш ҳажмларини кенгайтириш, давлат буюртмасини бажариш ва бошқалар) билан боғлиқ бўлади.

- молиявий хавф даражасини аниқлаш мезонлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- а) ҳисобланган фойда суммасини бутунлай йўқотиш эҳтимоли;

б) лойиҳа амалга оширилгандан сўнг нафақат фойдадан, балки ҳисоблаб чиқилган янги даромаддан ҳам маҳрум бўлиш эҳтимоли;

в) барча активлардан ажралиб қолиш ва инвесторларнинг банкротга учраши ёки ҳалокатга олиб боровчи таваккалчилик.

7. Қайта ишлаб чиқариш қуйидаги инвестиция шакллари
биридан фойдаланилган ҳолда амалга оширилиши мумкин:

- янгидан куриш ёки янги майдонларда илк бор тасдиқланган лойиҳа бўйича корхоналар, бинолар ва иншоотлар куриш;

- фаолият кўрсатиб турган корхонани ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида кенгайтириш - фаолият кўрсатиб турган корхонанинг қўшимча ишлаб чиқариш мажмуалари ва тармоқларини куриш, янги цехларни куриш ёки фаолият кўрсатаётганларни кенгайтириш;

- фаолият кўрсатиб турган корхонани қайта тиклаш, ишлаб чиқариш усулини янги маҳсулот ишлаб чиқаришга мос тарзда ўзгартириш мақсадида, ишлаб чиқаришни ягона лойиҳа бўйича бутунлай ёки қисман янги асбоб-ускуналар билан таъминлаш, маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган асбоб-ускуналарни янгилари билан алмаштириш;

- техник қайта қуроллантириш – алоҳида цехлар, тармоқлар, участкаларда ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий даражасини оширишга қаратилган қатор тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади.

Инвестицияларнинг юқорида келтирилган таснифи инвестицияларни лойиҳалаштириш, содир бўлаётган жараёнларни ҳар тарафлама баҳолашда ҳамда уни моҳиятини тўлиқ тушуниб олиш учун зарурдир.

Ушбу инвестицияларни таснифлашнинг юқорида кўриб чиқилган белгилари асосида таҳлил қилишнинг афзаллиги шундаки, бунда корхона ўз инвестицияларидан қайси мақсадларда фойдаланиши мумкинлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Моҳиятан, бу таснифлаш корхонанинг инвестиция портфели хусусиятларига хос бўлиб, инвестицияларнинг молиявий таваккалчилик даражасини энг кам даражага тушириш ва

иқтисодий фойдани юқори даражага олиб чиқишнинг мақбул йўллари танлашда корхоналар учун муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳукумат ташқи иқтисодий фаолиятини диққат марказида бўлди. Хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда ҳукумат қуйидаги тамойилларга асосланди:

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

- республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

- республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган ва иқтисодиётни замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини юргизиш;

- маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишда жамлаш.

Шунингдек, республика иқтисодиётига хорижий инвестицияни жалб этишни фаоллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- инвестиция лойиҳаларини малакали экспертлар назоратидан ўтказиш ва мукамал тайёрланишига эришиш;

- қўшма корхоналар ва хорижий инвестиция иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдаги тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш.

Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни миллий корхоналарга жалб этишда қуйидаги устувор йўналишларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш;

- минерал хом ашё ресурсларини, шу жумладан, нефт ва газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш бўйича экологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш;
- иқтисодиётнинг барча тармоқларида илм-талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- туризм соҳасини ривожлантириш, халқаро ва ички туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратишга эришиш.

Ўзбекистонда хорижий инвесторларга қонуний фаолият натижасида олган фойдалари ва бошқа даромадларини бирор-бир чекловларсиз исталганча чет давлатга ўтказиш имконияти кафолатланади. Бундан ташқари хорижий инвесторлар Республика банкларида ҳеч бир чекловларсиз исталган валютада ҳисоб рақамига эга бўлишлари мумкин.

Хорижий инвестицияси бўлган корхона амалдаги қонунларга биноан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспортга чиқариш ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотлар импортини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Хорижий инвесторларга табиий бойликларни қидириш, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ва бошқа хўжалик ишларини юритиш учун контсессиялар берилиши мумкин. Контсессион шартномалар хорижий инвесторлар билан Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг вакил қилинган органлари ўртасида тузилади. Ўзбекистон Республикасида барпо этилаётган корхоналар устав сармоясига хорижий инвесторларнинг ҳиссаси сифатида ёки хорижий ходимларнинг ўз эҳтиёжлари учун олиб кирилаётган мулк божхона тўловидан озод қилинади ва импорт солиғи ундирилмайди. Хорижий инвесторлар Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг акциялари, ҳиссалари ва пайларини, шунингдек, юридик шахслар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни сотиб олишлари мумкин. Хорижий инвестициялари бўлган корхонадан чиқиш ёки бундай корхонанининг тугатилиш ҳолларида хорижий инвесторлар шу корхона мулкидан ўзининг ҳиссасини корхона мулки билан қийматига мутаносиб равишда пул ёки

натура тариқасида қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Хорижий инвестициялар иштирокида тузилган корхоналарнинг хўжалик ишларида ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги асосида олиб борилиши лозим. Бу ҳолатлар ҳам қонунда кўрсатилган. Бу корхоналар банкрот ҳолатига тушиб қолганда у ўз мулки, яъни савдо объектлари, хизмат кўрсатиш соҳалари, ер участкаси, бинолари, қурилишлари, ускуналаридан келиб чиқиб мажбуриятлари таъминланади. Ердан фойдаланиш ва эгалик қилиш ҳуқуқи бундан мустасно.

Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган шарт-шароитлар халқаро шартнома ва хорижий инвесторлар билан келишувларда кўрсатилган шарт-шароитлар фарқ қилса, халқаро шартнома ва келишувга асосан фаолият юргизилади. Шундай қилиб, яратилган ҳуқуқий асослар хорижий ҳамкорларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай шароитлар яратиб, уларнинг ҳуқуқлари ва сарфлаган инвестициясини ҳимоя қилади.

Ҳозирга келиб, Ўзбекистон ҳудудида хорижий компаниялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёни асосан ниҳоясига етказилди ва амалда қўлланилмоқда. Бу фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг қуйидаги тизими ишлаб чиқилган:

- хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларнинг қатнашиши;
- техникавий қайта қуrollаниш;
- халқ истеъмоли ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

Ўзбекистон Республикаси хорижий инвестицияларни миллийлаштириш ва реквизиция қилинмаслигига кафолат беради. Хорижий инвестициялар фақат ғавқулотда ҳолатларда, авария, эпидемия тарқалган вақтларда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан реквизиция қилиниши мумкин. Бу ҳолат инвесторга кўрсатилган зарар микдорида компенсация қилинади.

Хорижий инвесторларга учун зарур молиявий-иқтисодий кафолатларни таъминлаш учун ҳукумат томонидан хорижий инвесторларни ҳимоялашнинг Миллий суғурта жамғармасини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бу жамғарма республика ҳудудида таъсис этилган чет эл банкларида Ўзбекистон Республикаси, хорижий инвестиция иштирокидаги суғурта компаниялари валюта қадриятларининг бир қисмини депонентлаш йўли билан ҳосил қилинади.

Хорижий инвесторларнинг қонуний фаолиятлари орқали қилинган даромадлари хорижий валютада, чегараланмаган миқдорда чегарадан олиб ўтишлари давлат томонидан кафолатланади.

Республикамизда хорижий инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзларнинг кенг қамровли тизими шакллантирилган. Бу тизим “Хорижий инвестициялар тўғрисида”ги, “Инвестицион фаолият тўғрисида”ги, “Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолати ва чоралари тўғрисида”ги ва “Қимматли қоғозлар бозорида хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларига асосланган. Ушбу қонунлар хорижий инвесторларнинг тенг ҳуқуқли ва адолатли шарт-шароитда фаолият олиб боришини таъминлайди. Бундан ташқари, хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари ва преференцияларни ўз ичига олувчи қўшимча чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвесторлар фаолияти 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолати ва чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан кафолатланади.

Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини кафолатлашда давлат масъул орган ҳисобланади. Хусусан, Адлия вазирлигига хорижий инвесторлар ва хорижий инвестицияли корхоналарга нисбатан назорат қилиш органлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг инвесторлар ҳуқуқларини бузувчи қарорларини тўхтатиб қўйиш, тегишли давлат ва бошқарув органларига

бундай қарорларни бекор қилиш борасида таклифлар киритиш ҳуқуқи берилган. Бундай ёндашув хорижий инвесторлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ривожланаётган мамлакатларда кенг қўлланилаётган яна бир рағбатлантирувчи чора шундан иборатки, агар мамлакатдаги кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиради, унда хорижий инвесторларга нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатларини инвестициялаш вақтидан бошлаб, маълум бир муддатга қўллаш кафолатланади. Ушбу чора Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам ўз аксини топган бўлиб, хорижий инвесторларга инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатларини инвестициялаш вақтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўллаш кафолати берилади. Хорижий инвестор ўз хоҳишига кўра янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эгадир.¹⁰

Хорижий инвесторнинг Ўзбекистон Республикасида олган даромадлари унинг хоҳишига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реинвестиция қилиниши ёки бошқа ҳар қандай усулда ишлатилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни репатриация қилиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш муносабати билан олинган ҳуқуқлардан фойдаланиш чекловларсиз амалга оширилади¹¹. Ушбу қулайлик миллий валютаамизнинг эркин конвертацияланиш имконияти жорий операциялар билан чекланган шароитда хорижий инвесторлар фаолиятини рағбатлантирувчи муҳим омил ҳисобланади.

Умуман, хорижий инвесторларга бериладиган асосий кафолатларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати қуйидагилардан иборат:

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида»ги Қонуни, 1998 й.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни, 2003 й.

1. Ўзбекистон Республикасидаги хорижий инвестициялар национализация ва реквизиция қилинмайди.

2. Хорижий инвесторларга фаолияти натижасида олинган фойда ва бошқа маблағларни ҳеч бир чекловларсиз чет эл валютасида хорижга ўтказиш кафолатланади. Шунингдек, импорт бўйича олиб кириладиган хом ашё, бутловчи буюмлар ва замонавий технологиялардан олинган тушумни чет эл валютасига айирбошлаш таъминланади.

3. Чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан, кўчмас мулк олди-сотдисида эркин қатнашиши кафолатланади.

4. Хорижий инвестицияли корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспорт қилиш, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулотни импорт қилиш ва қўшма корхоналарнинг устав фондига ҳисса қўшиш учун бож тўламасдан мулк олиб киришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ ва Божхона кодекслари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари орқали хорижий инвесторлар учун имтиёзларнинг кенг тизими яратилган.

Бундан ташқари, иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият олиб бораётган ва хориждан тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларни жалб қилган корхоналар асосий фаолиятидан даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва ягона солиқни тўлашдан 7 йилгача озод қилинади¹².

Хорижий инвесторлар ва халқаро молия институтларини Ўзбекистонда яратилган қулай инвестиция муҳитни ҳамда мамлакат иқтисодиётига инвестиция сарфлашнинг потенциал имкониятлари тўғрисида кенг хабардор қилишни ташкил этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини аниқ-пухта

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги 3594-сонли Қарори.

мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида 2008 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-927-сонли Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда “Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ва ўзлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом ва “Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш жараёнида лойиҳалар ташаббускорлари ва давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш схемаси” берилган бўлиб, унда хорижий инвесторлар фаолиятини бошқариш, уларга кўмак бериш тизими кўрсатиб берилган.

Умуман Ўзбекистон Республикаси иқтисодининг реал секторида хорижий инвестиция ўрни ва аҳамиятини ошириш учун етарли институционал асос яратилган бўлиб, уни тармоқлараро ўзлаштириш ҳамда капитал маблағини янада ошириш ЯИМ ни оширишга олиб келади.

3. Алоқа корхоналарида инвестицион фаолиятни ташкил этишнинг ҳуқуқий – иқтисодий асослари

Маркетинг истеъмолчиларнинг ҳозир ва келажакдаги талабларни кондиришга қаратилган маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва сотиш, натижада фойда олиш билан боғлиқ фаолият туридир. Маркетингнинг назарий ва амалий асосларини чуқур билиш тижорат хавф-хатарини ўз вақтида ҳис қилиш ва камайтириш, унинг вариантларини ҳисоблашда мавжуд бўлган турларидан энг маъқулини танлаш, рақобат шароитида бозорни юқори сифатли маҳсулотлар ва хизматлар билан тўйинтириш, доимий талаб мавжуд бўлган шароитда харидорларнинг турли гуруҳлари учун сотиш нархини аниқлаш ва оқибатда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Том маънодаги бозор муносабатлари мамлакатимизда жадал ривожланиб бормоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий иқтисодийни ривожлантиришни таъминлаш имконини берувчи инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кенг аҳамият берилди. Иқтисодийнинг устивор соҳаларига хорижий инвестиция ва кредитларини жалб қилиш ишлари жадаллаштириб юборилди. Шу ўринда инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш, уларни таҳлил қилиш долзарб масалалардан бирига айланди. Чунки инвестиция фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш ва пухта таҳлил этиш уларнинг муваффақиятли амалга оширилишини кафолатлайди.

Мана шундай биз учун мураккаб даврда, хорижда маркетинг масалаларини ечиш борасида тўплаган бой тажрибадан фойдаланмаслик кечириб бўлмас хато бўлар эди. Шуни ҳам унутмаслик керакки, биз энг катта тақчилликни - вақт танқислигини ҳам енгитимиз зарур.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида ахборот коммуникация соҳаси корхоналарининг кўплаб муаммолари ананавий бошқарув усуллари ёрдамидагина қониқарли ҳал этилиши мумкин эмас. Хўжалик юритишнинг янги шароитида корхоналар фаолияти самарадорлигини таъминлайдиган, менежерлар, ишлаб чиқарувчилар, техник мутахассислар, тижорат ходимлари ва пировард истеъмолчиларнинг куч-ғайратини бирлаштирадиган, фирмани истеъмолчи ва бозор талабларига йўналтирадиган, унга атроф-муҳит омиллари ўзгаришига мувофиқ иш тутиш имконини берадиган бошқарув тизими талаб қилинади.

Қолаверса, ахборот-коммуникация технологияларининг бутун дунёдаги сингари Ўзбекистонда ҳам тобора ортиб бораётгани, бу соҳа субъектларининг табиий-монопол хусусияти-йўқолиб бораётганлиги, хилма-хил алоқа турларининг жадаллик билан ривожланиши, бозорнинг рақобатлашувчи компанияларнинг турли хилдаги хизматлари билан тўлиши хизмат кўрсатиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, соҳани маркетинг ёндашувидан келиб чиқиб бошқаришни ташкил этишни жуда долзарб вазифага айлантирмоқда. Шу билан бир қатор ташқи муҳит омилларининг турли-туманлиги, уларнинг динамикасини, ахборот-коммуникация соҳаси олдидаги эски ва янги муаммолар

соҳа корхоналарини маркетинг ёндошувидан фойдаланишга, аниқ ва чуқур ўйланган маркетинг стратегия ишлаб чиқишга, зарур элементлардан, яхши йўлга қўйилган мониторинг тизимидан ҳамда ташқи омиллар ва ички имкониятларни боғловчи бошқарув тизимидан фойдаланган ҳолда, уларни омилкорлик билан амалга оширишга ундамоқда.

Телекоммуникация соҳасида инвестицион фаолиятни ташкил этишда маркетинг фаолиятини роли ҳақида гап кетганда авваламбор соҳага инвестиция жалб этишга, инвестицион фаолиятни бошқаришни ташкил этишга таъсир этувчи омилларни аниқлаб олиш лозим.

Муаллифнинг фикрича, кучли рақобат муҳитига эга бўлган телекоммуникация соҳасида инвестицион фаолиятни бошқаришга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир даражасини камайтириш бевосита телекоммуникация корхонасининг инвестицион жалб қилувчанлигини ошишига, қолаверса рақобат салоҳиятини юқори даражада бўлишига замин яратади.

Инвестицияли корхоналарни ташкил этиш сабаблари турли-туман бўлиб, уларни ички, ташқи ва стратегик сабабларга бўлиш мумкин (1-жадвал).

Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотлар мобайнида муаллиф томонидан телекоммуникация соҳасида инвестицион фаолиятни бошқаришга таъсир кўрсатувчи омиллари аниқланди ва асосий гуруҳларга ажратилди. Телекоммуникация соҳасида инвестицион фаолиятни бошқаришга таъсир кўрсатувчи омиллари учта асосий гуруҳга тақсимланган ҳолда ўрганилди.

Хорижий инвестицияли корхоналарни ташкил этиш сабаблари¹³

Ички сабаблар	Инвестиция муҳитининг устунликларидан фойдаланиш
	Рискларни тақсимлаш
	Ишлаб чиқариш миқёсида тежаш
	Бошқарувнинг янги усулларини ўрганиш
	Хорижий бозорларга чиқишни жадаллаштириш
	Шартнома ҳаражатларини камайтириш
Ташқи сабаблар	Жаҳон бозорига чиқиш
	Сиёсий кескинликнинг юмшаши
	Миллий ҳукумат талаблари
	Самарали рақобатни вужудга келтириш
Стратегик сабаблар	Мустаҳкам хом ашё базасига эга бўлиш
	Технологиялар трансферти
	Ишлаб чиқариш диверсификацияси
	Мамлакатда узоқ вақт фаолият олиб бориш имконияти



**2-расм. Алоқа корхоналарида инвестицион фаолиятни бошқаришга
таъсир кўрсатувчи омиллар¹⁴**

Бу омиллар фикримизча, алоқа соҳасида инвестицион фаолиятни бошқариш самарадорлигини оширишда келтирилган омилларнинг таъсири юқори бўлади. Телекоммуникация соҳасида инвестицион фаолиятни бошқаришга таъсир кўрсатувчи омиллари бир қатор гуруҳларга бўлинади. Фикримизча, самарадорликка таъсир кўрсатувчи ички омиллар орасида юқори таъсир кучига эга омил бу инвестициялаш учун жалб этилган ички молиявий маблағларнинг етишмаслигидир. Чунки хизмат кўрсатиш соҳасида шаклланиб бораётган рақобат муҳитида муқим ўрин эгаллаш учун ҳар бир корхона авваламбор молиявий барқарорлик ва молиявий захираларга эга бўлиши даркор.

¹⁴Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Фикримизча ташқи омиллар орасидаги эга катта хавф бу соҳани катта миқдордаги ташқи қарзларини мавжудлиги ҳисобланади. Бу ерда ташқи ташқи қарзлари деганда телекоммуникация тармоғини модернизация этиш ҳамда янги замонавий электрон АТС қуриш учун Япония ва Жанубий Корея давлатларидан узоқ муддатга олинган катта миқдордаги молиявий маблағлар тушунилади.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инвестицион фаолиятни бошқариш ташкил этишда ва инвестицион жалб қилувчанликни оширишда маркетинг ёндошувини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки телекоммуникация хизматлари бозорида кучли рақобат муҳити шаклланган ва бу рақобат муҳитини асосий элементлари сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

- бозорда катта ҳажмига эга бўлган хориж инвестицияли корхоналарни фаолият юритиши;
- ананавий телефон алоқаси урнини мобил алоқа тизими эгаллаётганлиги;
- интернет хизматлари бозорини ривожланиши;
- рақамли телевединия тизимини жадал ривожланиши;
- барча бозор иштирокчилари томонидан энг миқийёсда қушимча хизмат турларини жорий этилганлиги;
- симсиз алоқа тизимини шаклланганлиги ва ривожланиш даражасини юқорилиги;
- истеъмолчиларнинг янги замонавий телекоммуникация хизматларига бўлган талабини юқорилиги.

Демак, бугунги кунда телекоммуникация соҳаси ҳам бошқарувга маркетингли ёндашувга ўтиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳозирги даврда бутун дунёда телекоммуникация хизматлари маркетингини бошқариш тизими ва унинг ташкилий тузилмаси буни янгича мушоҳада қилиш ва ислоҳотлар ўтказишдан иборат тадрижий ривожланиш босқичини бошдан кечирмоқда. Бу ахборот-коммуникация технологиялари

ва хизматларининг жадаллик билан ривожланиши, бозор муносабатлари ривожининг асосий қонуниятлари қарор топиши ва янги йўналишлар пайдо бўлиши, иқтисодий муносабатларнинг, шу қаторда ахборот-коммуникация технологиялари ва хизматларининг глобаллашуви билан боғлиқдир.

Маркетинг илмий йўналишининг асосчиларидан бири Ф.Котлер бу тушунчага қуйидагича таъриф беради: “Маркетинг бошқаруви – ташкилотнинг мақсадига эришиш учун мақсадли мижозлар билан манфаатли алмашинувларни ўрнатиш, мустаҳкамлаш ва сақлаб туришга мўлжалланган тадбирларни таҳлил қилиш, режалаштириш, ҳаётга татбиқ этиш ва амалга оширилишини назорат қилишдир”¹⁵

Шундан келиб чиққан ҳолда, “маркетингни бошқариш” тушунчасини А.Н.Арипов ва Т.К.Иминов қўйидагича таърифлашади: “Ахборот-коммуникация соҳасининг пировард мақсадларига эришиш учун мақсадли мижозлар билан манфаатли муносабатларни ўрнатиш, уларни сақлаб туриш ва кенгайтиришга мўлжалланган дастурларни таҳлил этиш, режалаштириш, ҳаётга тадбиқ этиш ва амалга оширилишини назорат қилишдир”. Бу таъриф ўз ифодасини “2003-2010 йиллар давомида телекоммуникация ва маълумотлар узатиш миллий тармоғини ривожлантириш дастури”да топган. Яъни, менежментни ривожлантиришнинг асосий мақсади амалдаги менежмент тизимини ислоҳ қилиш бўйича дастурий йўналишлар ва тадбирларни ишлаб чиқиш асосида ахборот-коммуникация соҳасидаги фойда ва даромаднинг янада ўсиб боришини таъминлашдан иборатдир¹⁶.

¹⁵ Котлер Ф. Основы маркетинга. Пер с англ. М.: «Бизнес-книга», 1995 й., 40-бет.

¹⁶ А.Н.Арипов, Т.К.Иминов “Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари менежменти масалалари”, Тошкент, “Фан ва технология” 2005.

I БОБ бўйича хулоса

Биринчи боб бўйича хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида ахборот коммуникация соҳаси корхоналарининг кўплаб муаммолари ананавий бошқарув усуллари ёрдамидагина қониқарли ҳал этилиши мумкин эмас. Хўжалик юритишнинг янги шароитида корхоналар фаолияти самарадорлигини таъминлайдиган, менежерлар, ишлаб чиқарувчилар, техник мутахассислар, тижорат ходимлари ва пировард истеъмолчиларнинг куч-ғайратини бирлаштирадиган, фирмани истеъмолчи ва бозор талабларига йўналтирадиган, унга атроф-муҳит омиллари ўзгаришига мувофиқ иш тутиш имконини берадиган бошқарув тизими талаб қилинади.

Телекоммуникация соҳасида инвестицион фаолиятни ташкил этишда маркетинг фаолиятини роли ҳақида гап кетганда авваламбор соҳага инвестиция жалб этишга, инвестицион фаолиятни бошқаришни ташкил этишга таъсир этувчи омилларни аниқлаб олиш лозим.

Фикримизча, кучли рақобат муҳитига эга бўлган телекоммуникация соҳасида инвестицион фаолиятни бошқаришга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир даражасини камайтириш бевосита телекоммуникация корхонасининг инвестицион жалб қилувчанлигини ошишига, қолаверса рақобат салоҳиятини юқори даражада бўлишига замин яратади.

II БОБ. АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

1. Иқтисодиётнинг реал секторларига жалб қилинган инвестициялардан самарали фойдаланиш таҳлили

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялашнинг муҳим омилларидан бири – иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишдан иборат.

Мамлакатимизда “...ўтган йил якунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир”.¹⁷

Телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобил телефонлар, кенг турдаги маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги замонавий корхоналар ташкил этилмоқда. Иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқлари модернизация қилиниб, амалда технологик жиҳатдан янгиланмоқда. Бу кўрсаткичларга эришишда алоқа корхоналарига жалб қилинган инвестицияларни ўрни катта. “2013 йилги Инвестиция дастурига Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси бўйича киритилган лойиҳаларга асосан корхоналарнинг ўз маблағлари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига жами 242,5 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилиб, режа (113,9 млн. АҚШ долл.) 213 фоизга бажарилди”.¹⁸

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Х.М.Мирзахидовнинг “2013 йилда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси корхоналарини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида CDMA-450 мобил тармоғини EVDO технологияси ёрдамида ривожлантириш” ва “FTTx технологияси асосида кенг полосали оптик тармоқларни ривожлантириш” лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги ПҚ-2069-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Инвестиция дастури”нинг манзилли қисмига киритилди.

“2013 йилги Инвестиция дастури икки баравардан кўпроқ ортиғи билан бажарилган бўлсада, айрим лойиҳалар бўйича тасдиқланган тармоқ жадвалларидан ортда қолиш ҳолатлари кузатилди. 2014 йил Инвестиция дастурини бажарилишида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик олдини олиш бўйича барча зарурий чоралар қўриш талаб этилади”.¹⁹

Бу борада мамлакатда амалга оширилаётган инвестиция сиёсати қўйидаги тамойилларга асосланади:

- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш;
- инвестицияларни жалб этишнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш;
- хорижий инвестицияларга нисбатан «очиқ эшиклар» сиёсатини изчиллик билан олиб бориш;
- хорижий инвестицияларни рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариладиган устувор тармоқларга йўналтириш.

Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга кенг миқёсда жалб этиш, иқтисодиётнинг стратегик ва жорий вазифаларини ҳал этиш зарурияти билан боғлиқ. Ушбу вазифалар ичида энг муҳимларидан бири бу – иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни модернизациялаш, юқори технологик рақобатбардош тармоқларни яратиш, илғор хориж технологияси

ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва 2014 йилги вазифалар тўғрисида”ги маърузасидан

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Х.М.Мирзахидовнинг “2013 йилда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси корхоналарини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва 2014 йилги вазифалар тўғрисида”ги маърузасидан

“ноу-хау” ва бошқарув тажрибаларини жалб этишдир. Бунда хорижий инвестицияларни ўрни катта бўлиб, улар иштирокида ялпи ички маҳсулотни иқтисоднинг реал тармоғида кескин ўсишига ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга эришиш мумкин.

Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларни оқимининг иқтисодиётни ЯИМ миқдорига таъсирини ва унинг жадал суръатларда ўсишини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ва инвестициялар ўсиш суръатларининг динамик ўзгариши²⁰

Йиллар	Ялпи ички маҳсулот (млрд. долл.)	Олдинги йилга нисбатан % да	Инвестициялар (млрд. долл.)	Аввалги йилга нисбатан, % ҳисобида
2003 й.	9,7	104,4	1,9	104,5
2004 й.	12,2	107,7	2,5	105,2
2005 й.	15,2	107,0	2,9	107,0
2006 й.	17,0	107,3	3,3	109,1
2007 й.	22,3	109,5	4,7	122,9
2008 й.	28,1	109,0	6,5	128,3
2009 й.	32,1	108,1	8,2	124,8
2010 й.	38,9	108,5	9,7	113,6
2011 й.	45,5	108,3	10,7	112,5
2012 й.	49,2	108,2	11,9	111,6
2013 й.	53,2	108,0	13,2	111,3

Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ва инвестициялар ўсиш суръатларининг динамик ўзгаришини кўрсатишича 2003-2013 йилларда

²⁰ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2003-2013 йил маълумотлари асосида шакллантирилди.

ЯИМни ва инвестицияларни умумий салмоғини параллел боғлиқликда ўсишини кўришимиз мумкин. 2009 йилдан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларидан келиб чиқиб ушбу кўрсаткични қарийиб 1% атрофида турғунлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар таркибида жиддий ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. 2004-2013 йилларда хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялар таркибидаги ҳиссаси 20,4% дан 25,1% гача ортди. (3-жадвал).

3-жадвал

Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш динамикаси²¹

Йиллар Кўрсат- кичлар	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Жами инвестициялар- даги хорижий инвестициялар улуши, % да	20,4	20,4	24,5	21,7	19,0	24,5	25,8	35,4	28,8	25,1

Инвестиция жараёнларини фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли 2004-2011 йилларда иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ортди. Кейинги икки йил давомида бу кўрсаткични 2011 йилга нисбатан пасайганлигини кўришимиз мумкин. Иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобдан 2013 йилда 18291,3 млрд.сўм миқдорида инвестициялар жалб этилди. Ушбу кўрсаткич 2012 йил билан таққослаганда, 1.1 % га кам бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан инвестициялар улуши 23,5 % ни ташкил этди.

²¹Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2003-2012 йил маълумотлари асосида шакллантирилди.

Жами инвестициялардаги хорижий инвестициялар
улуши, % да



**3-расм. Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш
динамикаси²²**

Ушбу келтирилган маълумотларга асосан Республикага жалб қилинган инвестициялар таркибида тўғридан-тўғри инвестицияларнинг улушини динамик равишда ортиб борганлигини кўришимиз мумкин. Бунинг асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини реал тармоғида хорижий инвестицияларнинг ҳуқуқий кафолатганлиги ва инвестицион муҳитни барқарорлигини исботидир.

Ушбу жараён ижобий ҳолат ҳисобланиб, иқтисодиётимизга модернизациялаш лойиҳаларига узоқ муддатли инвестициялар киритилаётганлигини кўрсатади, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий оқибатлари таъсирини камайтирувчи ва юмшатовчи омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек “... ташқи қарзлар аксарият ҳолларда узоқ муддатга

²² Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2003-2012 йил маълумотлари асосида шакллантирилди.

фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун жалб қилинмоқда»²³.

Мамлакатимизга киритилаётган хорижий инвестицияларда давлат кафолатининг камайиб боришини хорижий инвестицияларда республикамызда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатга бўлган ишонч ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу билан бирга, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат томонидан иқтисодий манфатли бўлмаган лойиҳаларни молиялаш тўхтатила бошланди. Ҳукумат томонидан фақат иқтисодий мафаат чегараланган ёки умуман бўлмаган ижтимоий муҳим лойиҳалар кафолатланади. Булар, биринчи навбатда, сув таъминоти, таълим ва соғлиқни сақлаш, транспорт ва алоқа инфратузилмаси соҳаларидаги лойиҳалардан иборат. Хорижий инвестицияларнинг ўсишида халқаро молия институтлари қарзлари доирасида импорт алоқаларини қайд этиш тартибининг соддалаштирилиши, саноат корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта таъминлаш солиқ юкининг пасайтирилиши, маҳсулот тақсимлаш тўғрисидаги битимни қўлланилиши, шунингдек, хорижий инвесторлар билан инвестиция шартномаларини тузиш орқали алоҳида имтиёзлар ҳамда преференциялар тақдим қилиш асосий омиллар бўлди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида донор мамлакатлар билан истиқболдаги устувор йўналишларини аниқлаш борасида биргаликдаги ишлар жадаллашади. Бунда, биринчи навбатда, асосий эътибор минтақалараро ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш, коммунал тармоқда ислохотларни чуқурлаштириш, экин ер майдонларининг миллиоратив ҳолатини яхшилаш, кадрлар тайёрлашнинг миллий таълим дастурини амалга оширишда кўмаклашиш, тиббиёт муассасаларини юқори технологиядаги ускуналар билан жиҳозлаш, молиявий ташкилотларнинг

²³ Каримов И.А. Асосий вазифамиз — ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Т.: «Ўзбекистон». 2010. 37-б.

самадорлигини ошириш кабиларга қаратилди. Хусусан, дунёнинг қатор давлатлари, биринчи навбатда, бугунги кунда бизда асосий ҳамкор сифатида қаралувчи иқтисодий алоқалар жадал ривожланаётган қўшма инвестицион лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилаётган ёки кўзда тутилаётган Россия, Хитой, Япония, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалар барқарор суръатларда ривожланмоқда. Иқтисодиётга жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичларида иқтисодиётга йўналтирилган хорижий инвестициялар таркибида саноат улуши етакчи ўрнини сақлаб қолган ҳолда пасайиш тенденциясига эга. Транспорт ва алоқа тармоғини ривожлантиришга қаратилган ҳукуматнинг сайи-ҳаракатлари туфайли бу соҳага йўналтирилган инвестициялар улуши тармоқ эҳтиёжида асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб (4-жадвал).

Республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, балки янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлашга қаратилган.

4-жадвал

Иқтисодиёт реал тармоқлари бўйича хорижий инвестициялар таркиби, жамига нисбатан фоиз ҳисобида²⁴

Манбалар	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
I. Жами ишлаб чиқариш соҳаси	85,0	86,8	82,7	89,5	84,3	92,6	92,5	83,1	71,6	70,6
Саноат	69,6	46,1	39,0	46,4	41,3	57,7	57,3	42,5	28,6	32,7
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	6,1	4,0	0,7	3,0	5,2	3,7	4,3	5,5	3,1	4,6
Қурилиш	0,01	-	-	0,3	1,3	4,8	4,4	4	2,0	2,6
Транспорт ва алоқа	7,3	32,9	37,8	38,6	30,9	25,3	25,5	26	29,2	23,6
Савдо ва умумий овқатланиш, моддий техника таъминоти	0,1	1,0	0,3	0,9	0,8	0,8	0,7	3	4,7	4,1
Ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа объектлари	13,5	2,8	4,9	0,2	4,7	0,7	0,3	2	1,3	1,2
II. Ноишлаб чиқариш соҳаси	15,0	13,2	17,3	10,5	15,7	7,4	7,5	16,9	28,4	29,4

²⁴ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2003-2012 йил маълумотлари асосида шакллантирилди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, республика ҳудудларига инвестицияларни жалб қилишда қатор муаммолар мавжуд:

- инвестиция инфратузилмасининг етарли ривожланмаганлиги – банклар, инвестиция фондлари, суғурта ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;

- тадбиркорларнинг бизнес кўникмалари, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги – ҳудудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фаолиятини ривожлантириш;

- инвестиция таклифлари ва лойиҳа техник-иқтисодий асосларининг белгиланган талабларга жавоб бермаслиги – тадбиркорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда тижорат банклари, ҳудудлардаги савдо-саноат палатаси ва бошқа масъул идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маҳаллий ҳокимликлар томонидан ташкил этиш ва доимий назоратга олиш;

- лойиҳа ташаббускорлари молиявий-иқтисодий ҳолатининг ночорлиги-инвестиция дастурлари ва ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш таклиф этилаётган лойиҳалар ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий ҳолатининг маҳаллий ҳокимликлар ва тижорат банклари томонидан чуқур таҳлил қилиниши;

- маҳаллий ҳокимликларни хорижий инвесторларни ҳудуд тўғрисида тўлиқ инвестицион муҳитга оид маълумотлар билан таъминлашда фаол иштироки.

Иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, хорижий инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган хусусийлаштириш сиёсати тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини сезиларли даражада ошириш мумкин.

Таҳлиллар кўрсатишича, иқтисоднинг реал секторига жалб қилинган инвестициялар мамлакатдаги бизнес юритиш ва инвестициялар учун яратилган инвестицион муҳит билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бозор

ислохотларини амалга оширишда муайян ютуқларга эришилган иқтисодиётларда хусусийлаштириш сиёсати воситасида йирик инвесторларни жалб этиш имконияти бошқаларга нисбатан юқори бўлади.

2. “Ўзбектелеком” АКда инвестициялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида телекоммуникация корхоналарининг самарали фаолият кўрсатиши ҳамда инвестиция фаолиятини ривожлантириш муаммосини ечишда маркетингли ёндашув асосий ҳисобланади. Бунда маркетингнинг асосий вазифаси истеъмолчи истаган ерда ва вақтда унга хизматни юқори сифатли даражада кўрсатиш бўлиб чиқади. Маркетинг корхонанинг бозорга мўлжалланган бошқарув тизими бўлиб, қўйилган мақсадларга эришиш учун турли усул ва воситаларни қўллайди. Бунда унинг асосий мақсадлардан бири бу корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини, ўз хизматларини истеъмолчиларга қараб йўналтириш ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларига кўра “Ўзбектелеком” АК кўрсатаётган хизматлар бўйича асосий рақобатчилари билан қиёсий таҳлили қўйидаги 5-жадвалда келтирилган.

Демак, мавжуд тармоққа асосан универсал хизматлар кўрсатиш бўйича акциядорлик компанияси телекоммуникация соҳасида монополист ҳисоблансада, қўшимча хизмат турлари бўйича кучли рақобатчиларга эга. Бу эса ўз навбатида маркетинг фаолиятини кучайтиришни талаб этади. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда бизнинг фикримизча “Ўзбектелеком” АКни имкониятларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

5-жадвал

**“Ўзбектелеком” АК инвестицион жалб қилувчанлигини баҳолаш бўйича
асосий рақобатчилари билан қиёсий таҳлили**

№	Хизмат турларини номи	Рақобатчилар	Рақобатчилар устунлиги	“Ўзбектелеком” АК устунлиги
1	Универсал хизматлар	-	-	Монополист
2	Интернет хизмати	«EastTelecom» ҚК, «Саркор- телеком», «Найтов», «Шарқ телеком» ва б.қ.	Янги ахборот технологиялари билан юқори даражада таъминланганлик ва малакали кадрлар	Ягона тармоқ мавжуд
3	Мобил алоқа хизматлари	Билайн, Ucell, Perfectium mobile	Кучли инвестицион сиёсат, замонавий менежмент тизими, янги технологик жараёнлардан фойдаланиш	
4	Электрон тўловларни қабул қилиш	Paynet, SMS- тўлов ва бошқалар	Янги ахборот технологиялари билан юқори даражада таъминланганлик, тезкорлик, молиявий барқарорлик ва сифатли хизмат кўрсатиш	

Миллий оператор “Ўзбектелеком” АК Ўзбекистоннинг энг йирик телекоммуникацион оператори сифатида сўнгги йилларда инновацион янгиликларни ва ривожланишни амалга оширди:

- ўз тармоқларини тубдан модернизациялади, янги хизматларни жорий этди, шунингдек асосий эътиборни маълумотларни узатиш бўйича хизматларнинг янги инновацион турларини, интернет тармоғига кириш ва IP телефонияни жорий этишга қаратилган ҳолда стратегик режаларни шакллантиришга ёндашувни тубдан ўзгартирди.

- соҳани ривожлантиришда инвестицияларни аҳамияти жуда катта бўлиб, бу соҳани техник қайта жиҳозлаш, янги хизмат турларини жорий этишни тезлаштиришга замин яратади. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги жадвалда “Ўзбектелеком” АК жалб этилган инвестициялар ҳажмининг ўзгариши келтирилган.

6-жадвал

“Ўзбектелеком” АК жалб этилган инвестициялар таҳлили

№	Кўрсаткич номи	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
	Жалб қилинган инвестиция миқдори, млн. сўм	63700,0	44684,0	39091,3	46857,0	47468,4	34555,0
	Шу жумладан,						
1	Ўзлик маблағлари ҳисобидан, млн.сўм	13500,0	10550,0	15886,7	41142,0	47349,5	24369,6
2	Хориж инвестицияси ҳисобидан, млн.сўм	49600,0	30000,0	2941,0	2654,0	0	10011,6
3	Бошқа манбалар ҳисобидан, млн.сўм	600,0	4134,0	20263,6	3061,0	118,9	173,8

Шуни таъкидлаш лозимки, “Ўзбектелеком” АК га кўплаб инвестициялар жалб этилган ҳолда улардан самарали фойдаланишни тадқиқ этиш талаб қилинади.

Самарадорлик муайян натижаларга эришишни англатади. У сарафланган харажатлар ва олинган натижалар нисбати асосида аниқланади. Харажатлар қанчалик кам ва натижалар қанчалик кўп бўлса, самарадорлик ҳам шунчалик юқори бўлади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги бутун ишлаб чиқариш самарадорлигининг таркибий қисмидир. Турли даражадаги хўжалик фаолиятида инвестицияларнинг иложи борица кўпроқ фойда, қайтим келтириши асосий вазифа қилиб белгиланади. Бу қоидадан четга чиқиш ресурсларни йўқотиш, жамиятнинг илгариги ва ҳозирги меҳнатини йўққа чиқаришга олиб келиши мумкин.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш зарурати, қўшимча капитал қўйилмалар киритилишини талаб қилувчи янги қурилиш, мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта қурулантириш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва ташкилий-техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби барча ҳолларда юзага келади. Баъзан хизматларнинг янги турини ишлаб чиқариш ҳам инвестиция ва бошқа маблағлар киритилишини, демак, харажат ва натижалар нисбатини аввалдан баҳолашни талаб қилади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда корхоналар иккита вазифани ҳал қилишлари лозим:

Биринчиси - капитал қўйилмаларнинг қопланиш муддати ва даромадлилиги нуқтаи назаридан, энг мақбул вариант танлаш имкониятини яратувчи инвестицион лойиҳа самарадорлигини баҳолаш;

Иккинчиси - мавжуд ишлаб чиқаришга ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида киритилувчи инвестициялар самарадорлигини баҳолаш (қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, таннархни камайтириш, фойдани ошириш ва ҳоказо).


Биринчи вазифанинг ечими мос келувчи маркетинг тадқиқотларини амалга оширишни кўзда тутиб, бу тадқиқот давомида талаб ва ундан келиб чикувчи таклиф, бозор сегментацияси, баҳони шакллантириш стратегияси, молиялаштириш манбалари ва бошқалар аниқланиши лозим. Инвестицион лойиҳани муқобиллик асосида танлагандан сўнг бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатларни, техник ва бошқа қарорларни, жумладан, муҳандислик таъминоти, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар тайёрлашишлари амалга оширилади.

Иқтисодий самарадорликни баҳолашнинг иккинчи ҳолатида, яъни маблағларни мавжуд ишлаб чиқаришга киритишда қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади:

Корхонанинг инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар танлаб олинди ва таҳлил қилинди:

- инвестицияларнинг ҳар бир сўмига тўғри келувчи қўшимча маҳсулот;
- инвестицияларнинг ҳар бир сўмига таннархнинг пасайиши;
- инвестицияларнинг ҳар бир сўмига маҳсулот ишлаб чиқаришдаги меҳнат харажатларини қисқартириши;
- инвестицияларнинг ҳар бир сўмига фойдани ошириши.

Компания даромадларининг асосий манбалари аввалгидай халқаро, шаҳарлараро ва маҳаллий телефон алоқаси бўйича ананавий хизматлар бўлиши билан бирга маълумотларни узатиш, Интернетга кириш бўйича янги хизматларни ва видеоконференция алоқа хизматлари кўрсатишни жорий этиш жараёни тезлашмоқда. Соҳага киритилган инвестиция даромадга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.



4-расм. “Ўзбектелеком” АК нинг даромадлари ўсиши, млрд. сўмда.

Инвестицияларнинг ҳар бир сўмига тўғри келувчи қўшимча хизмат куйидаги формула асосида аниқланади:

$$\Xi = \frac{ЯМ_1 - ЯМ_0}{I_k} \quad (1)$$

Бу ерда:

Ξ – инвестициялар самарадорлиги;

ЯМ₀, ЯМ₁ – ялпи маҳсулот, мос равишда бирламчи ва қўшимча инвестицияларда;

И_к – қўшимча инвестициялар миқдори.

Бу кўрсаткич йиллар давомида киритилган инвестицияни даромадга таъсирини ифодалайди. 7-жадвалда корхонага киритилган инвестициялар самарадорлиги кўрсаткичи таҳлил қилинган.

Инвестициялар самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
Ялпи маҳсулот, минг сўм.	153753570	207224979	236645399	272338770	392380803
Қўшимча инвестициялар минг сўм	39091300	46857000	47468400	34555000	42815000
Инвестициялар- нинг ҳар бир сўмига тўғри келувчи қўшимча хизмат	0,4834	1,1412	0,6198	1,0329	2,8037

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг даромади йиллар давомида ўсиб борган, 2009 йилда киритилган бир сўм инвестицияга қўшимча 0,4834 сўмлик хизмат кўрсатилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 2,8037 сўмни ташкил этди. 2010 ва 2013 йилларда даромаднинг кескин ошиши, 2012 йилда эса киритилган инвестиция хажмини қисқариши самарадорликни ўзгаришига таъсир кўрсатди. 2013 йилда корхона даромади 120042 минг сўмга ошди, бу эса инвестиция самарадорлиги кўрсаткичини 171% га ошишини таъминлади.

Корхонанинг инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда инвестициянинг таннархга таъсири асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Алоқа корхоналарида хизматлар таннархи корхона фаолиятини умумлаштирувчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади ва бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган ишлаб чиқариш харажатларини характерлайди. Таннарх ишлаб чиқариш воситалари истеъмол харажатларини меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда ишлаб чиқариш ва сотишнинг бошқа омилларининг пул шаклидаги қийматининг бир қисмини акс

этиради. Таннарх корхонанинг технологиясини ва техник жихозланганлигини, ресурсларни ишлатишини, меҳнат унумдорлигидаги даражасини акс этиради. Алоқа корхонаси истеъмолчиларга хизматлар кўрсатиши учун аниқ бир иш хажмини бажариши лозим, буни эса, ўз навбатида, зарурий харажатларсиз амалга ошириш мумкин эмас. Бу харажатлар жорий ёки эксплуатацион харажатлар деб аталади. Бундан ташқари, реализация қилинган маҳсулот таннархи ҳам шу маънони беради.

Алоқа корхоналари хизматлари таннархи систематик тарзда камайиб боради, бироқ уларнинг ҳар бири ишлатилмаган захирага эга бўлади. Захиралар аниқ математик ҳисоблар ёки иқтисодий таҳлил натижасида аниқланган ишлаб чиқариш харажатларини маълум миқдорда тежаш имкониятидир. Алоқа корхоналарида хизматлар таннархини камайтиришнинг асосий захиралари меҳнат унумдорлигини ошириш ишлаб чиқариш фондларни ишлатишни яхшилаш, электр энергияни тежаш, ишлар хажмини ошириш ҳисобланади.

Бундан ташқари таннархни камайтиришга таъсир этувчи омиллардан бири ишлаб чиқаришдаги омиллардир. Бу омиллар бевосита корхона фаолиятига боғлиқдир. Уларга қуйидагилар киради: янги техника ва технологияларни киритиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш фондларини ишлатишни яхшилаш ва бошқалар. Ўз-ўзидан аёнки, бу омиллар корхонага киритилган инвестицияларга боғлиқдир.

Кейинги кўрсаткич инвестицияларнинг ҳар бир сўмига таннархнинг пасайиши бўлиб, у қуйидагича ҳисобланади:

$$\Xi = \frac{TH_0 - TH_1}{I_{\kappa}} \quad (2)$$

Бу ерда:

TN_0 , TN_1 - маҳсулот таннархи, мос равишда, бирламчи ва қўшимча инвестицияларда.

“Ўзбектелеком” АК нинг киритилган инвестицияни хизматлар таннархи ўзгаришига таъсирининг таҳлили қўйидаги жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Инвестицияларнинг ҳар бир сўмига таннархнинг пасайиши таҳлили

Кўрсаткичлар	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
Маҳсулот таннархи, минг сўм	90 884 634	123793049	145235412	155394452
Инвестицияларнинг ҳар бир сўмига таннархнинг пасайиши	-0,3926	-0,7023	-0,4517	-0,2940

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 йилда киритилган бир сўм инвестиция хизмат таннархини 0,3926 сўмга пасайтирган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 0,7023 сўмни ташкил қилди. Кейинги йилларда бу йилга нисбатан паст натижалар кузатилди. Бунинг сабаби ишлаб чиқаришга жалб қилинган инвестициялар қиймати хизмат таннархига ўз таъсирини кўрсатган.

Алоқа корхоналари фаолиятига баҳо беришда алоқа ходимларининг иш ҳақи харажатларига киритилган инвестицияни таъсирини баҳолаш муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Алоқа воситаларининг техник мукаммалашуви ва ривожланиши, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши ва алоқа воситалари ишининг ишончлигини ва сифатини яхшилаш муҳим даражада алоқа ходимларининг малакасига боғлиқ. Илмий техник тараққиёт тармоқ ходимларининг касбий тузилишига таъсир этади.

Инвестицияларнинг ҳар бир сўмига маҳсулот ишлаб чиқаришдаги меҳнат харажатларини қисқариши:

$$\Theta = \frac{M_0 - M_1}{I_{\kappa}} \quad (3)$$

Бу ерда:

M_0, M_1 – маҳсулот ишлаб чиқаришда сарфланувчи меҳнат харажатлари, мос равишда қўшимча инвестициялар киритилгунча ва ундан сўнг.

9-жадвал

Инвестицияларнинг ҳар бир сўмига маҳсулот ишлаб чиқаришдаги меҳнат харажатларини қисқариши таҳлили

Кўрсаткичлар	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
Меҳнат харажатлари, минг сўмда	20358863	25369387	29772169	36424316
Инвестицияларнинг ҳар бир сўмига маҳсулот ишлаб чиқаришдаги меҳнат харажатларини қисқартириш	-0,1137	-0,1069	-0,0928	-0,1925

Жадвал маълумотларидан шу нарса маълум бўлади, корхонанинг меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ошиб борган. Яъни 2010 йилда 20 358 863 минг сўм иш ҳақи тўланган бўлса 2011 йилда 25% га ошган, 2012 йилда эса 2011 йилга нисбатан 173% ни ташкил қилган. 2013 йилда 6 652 147 минг сўм яъни 22% га ошган. Инвестицияларнинг ҳар бир сўмига маҳсулот ишлаб чиқаришдаги меҳнат харажатларини қисқартириши 2010 йилда 0,1137 сўмга тўғри келган бўлса, 2013 йилда 0,1925 сўмни ташкил этди. Бу натижа киритилган инвестицияни иш ҳақи ошишига таъсирини кўрсатади.

Корхоналарнинг бозор шароитида фаолият юритиши фойда ролининг ўсишига олиб келади. Фойда нафақат ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятининг бош натижаси сифатида, балки корхона ва жамиятнинг турли хил эҳтиёжларини қондириш манбаи сифатида ҳам қатнашади.

Алоқа корхонасида хизматлар реализациясидан фойда асосий фаолиятдан даромад ва эксплуатацион харажатлар орасидаги фарқ орқали топилади. Корхонага жалб қилинган инвестицияларнинг ҳар бир сўмига фойдани ошиши қўйидагича ҳисобланади:

$$\Xi = \frac{\Phi_1 - \Phi_0}{I_k} \quad (4)$$

Бу ерда:

Φ_0, Φ_1 –фойда, мос равишда қўшимча инвестициялар киритилгунча ва ундан сўнг.

10-жадвал

Инвестицияларнинг ҳар бир сўмига фойдани ошиши таҳлили

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Корхона фойдаси, минг сўм.	3008 986	4357 252	2994 474	5931 961
Инвестицияларнинг ҳар бир сўмига фойдани ошиши	-0,0116	0,0288	-0,0287	0,0850


Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 ва 2013 йилларда ҳар бир сўм инвестицияга тўғри келувчи фойда миқдори қисқаришини кўришимиз мумкин. Бу йиллар давомида киритилган инвестиция мунтазам ошиб борган бўлсада, фойданинг олдинги йилга нисбатан камайиши кузатилган. 2013 йилда бу кўрсаткич 0,0850 сўмни ташкил этди ва 2012 йилга нисбатан 0,1137 сўмга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Инвестициялар самарадорлигини келтирилган формулалар асосида (бошқарув даражасини инобатга олган ҳолда) аниқлаш ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қанча миқдорда инвестиция киритилган ва унинг натижаси қандай деган саволга жавоб беради, яъни у инвестицияларнинг мутлақ (абсолют) самарадорлигини тавсифлайди.

Фикримизча, “Ўзбектелеком” АК маркетинг фаолиятини мувофиқлаштиришда ва телекоммуникация хизматлари самарадорлигини ошириш ҳамда инвестиция фаолиятини ривожлантириш бўйича амалий ишлар олиб боришда авваламбор юқорида келтирилган ҳолатлар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Корхоналарда бозор шароитида янгича ишлашлари учун корхонага ёрдам берувчи ва бозор шароитида фойда олишга, бозорда ўз ўрнини топишда ёрдам берувчи маркетингга эҳтиёжлари пайдо бўлиши керак. Ҳозирги кунда телекоммуникация хизматлари бозорининг кенгайиши, янги хизмат турларининг жорий этилиши, мавжуд хизмат турларининг ҳажмини ошириш, Ўзбекистон бозорига хорижий телекоммуникация хизмати кўрсатувчи ташкилотларнинг кириб келиши, айрим хизмат турлари бўйича ички бозорда рақобатчилик ҳолатининг юзага келиши шароитида иш юритиш телекоммуникация корхоналари учун кўрсатилаётган хизматларни бевосита истеъмолчиларга етказиб бериш ҳамда мустаҳкам бозор сегментига эга бўлишда инвестиция фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Инвестициялар иқтисодиётнинг ўсишини ва ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминловчи муҳим омилдир. Иқтисодий ислохотларнинг самараси ҳам оқилона ва тўғри инвестиция сиёсатини ўтказишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунинг учун ички сармояларни ҳам, ташқи кредитларни ҳам, бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларини ҳам ишга солиш зарурдир. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш молиялаштиришнинг энг тараққий этган замонавий шаклларидадир. «Ўзбектелеком» АКда мавжуд бўлган муаммолар ва вазиятни SWOT таҳлилини акс эттирган ҳолда 5-расмда келтирилган шаклда ифодалаш мумкин.



5-расм. «Ўзбектелеком» АК фаолиятини SWOT-таҳлили²⁵

²⁵ Ш.А.Турсунов “Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантириш истикболлари” Монография, Тошкент 2013й.

II БОБ бўйича хулоса

Иккинчи боб бўйича хулоса қиладиган бўлсак, «Ўзбектелеком» АК маркетинг фаолиятини мувофиқлаштиришда ва телекоммуникация хизматлари самарадорлигини ошириш ҳамда инвестиция фаолиятини ривожлантириш бўйича амалий ишлар олиб боришда авваламбор юқорида келтирилган ҳолатлар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Корхоналарда бозор шароитида янгича ишлашлари учун корхонага ёрдам берувчи ва бозор шароитида фойда олишга, бозорда ўз ўрнини топишда ёрдам берувчи маркетингга эҳтиёжлари пайдо бўлиши керак. Ҳозирги кунда телекоммуникация хизматлари бозорининг кенгайиши, янги хизмат турларининг жорий этилиши, мавжуд хизмат турларининг ҳажмини ошириш, Ўзбекистон бозорига хорижий телекоммуникация хизмати кўрсатувчи ташкилотларнинг кириб келиши, айрим хизмат турлари бўйича ички бозорда рақобатчилик ҳолатининг юзага келиши шароитида иш юритиш телекоммуникация корхоналари учун кўрсатилаётган хизматларни бевосита истеъмолчиларга етказиб бериш ҳамда мустаҳкам бозор сегментига эга бўлишда инвестиция фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

III БОБ. АЛОҚА КОРХОНАДАРИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожланишида инвестициялардан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йилнинг асосий яқунлари ва 2014 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида инвестиция жараёнлари тўғрисида батафсил тўхталиб, хусусан қуйидаги фикрларни билдирди: “2013-йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматдаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2012-йилга нисбатан 11,3 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярмини, яъни 47 фоизини хусусий инвестициялар – корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил этгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми – 70 фоиздан ортиғи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини қуришга йўналтирилди, энг янги замонавий ускуналар харид қилишга сарфланган инвестициялар улуши эса қарийб 40 фоизни ташкил этди.

Умуман олганда, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоизни ташкил этди.

Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Ўйлайманки, ҳаммамиз яхши англаб олганмиз: агар ўзимиз ҳаракат қилмасак, четдан сармоя ва инвестицияларнинг мамлакатимизга, ўлкамизга кириб келиши учун қулай шароит ва имтиёзлар ташкил этмасак, керак бўлса,

айни шу йўналишда астойдил, бутун вужудимиз билан ишламасак, бундай рақамларни тушимизда ҳам кўрмасдик. Бу – аниқ гап.^{»26}

Республикаимизнинг мустақиллик даврига қадар хорижий сармоядорларни Ўзбекистонга жалб этиш ва жаҳон хўжалигига интеграциялашиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва жорий этишга етарлича эътибор берилмаган эди. Табиийки, мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимиз раҳбарияти томонидан иқтисодийтимизни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан бири сифатида айнан шу масалани ҳал этишга жиддий муносабат билан ёндошди.

Шу билан бирга, бугунги кунда миллий иқтисодийтни модернизациялаш йўлида қадам қўйилган Ўзбекистон Республикасига инвестицияларни жалб этиш жараёнларини янада жадаллаштириш ва инвестицион сиёсатни фаоллаштириш давлатимиз раҳбарияти томонидан устувор вазифалардан бири деб белгилаб қўйилди. Ушбу вазифаларнинг қўйилишига сабаб шуки, корхона ва компанияларимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ички бозорни юқори сифатли товарлар билан бойитиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш кўп жиҳатдан самарали ташкил этилган инвестицион фаолиятга боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, инвестицион сиёсатни амалга оширишдаги ижобий тамойилларнинг дастлабки асослари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ шакллантирила бошланди. Турли мулк шакллари ривожлантириш ва инвестицион муҳитни тартибга солувчи механизмларнинг ишлаб чиқилиши хорижий инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит яратилишига олиб келди.

Даромадлар манбаига, жамғармаларига эга бўлган ва қарзга бериладиган ҳамда жалб этиладиган маблағларни олиш ҳуқуқидан фойдалана оладиган Ўзбекистон фуқаролари ва чет эл фуқаролари, юридик шахслар, шунингдек хорижий давлатлар томонидан биргаликда инвестиция ажратиш

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан

йўли билан ташкил қилинган хўжалик юритувчи субъектлар мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига, бекаму-кўст хўжалик юритиш ёки оператив равишда бошқариш ҳуқуқига эга бўладилар.

Демак, инвестицияларни амалга оширишда инвестиция фаолиятини олиб бориш шакллари ҳам мулкчилик шаклларига қараб белгиланади. Маблағларнинг қайси соҳаларга ажратилиши, ҳажмлари ва инвестициялар беришда қатнашиш шартларига қараб инвестиция фаолияти объектлари тавофут қилинади. Инвестициялар деганда иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритилган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқларини йиғиндисига тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини қуйидаги йўллар билан амалга ошириш мумкин:

- юридик шахслар тузиш ёки уларнинг устав жамғармаларида (капиталларида) улушли иштирок этиш, шу жумладан мол-мулкни ёки акцияларни олиш;

- қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини олиш;

- концессияларни, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессияларни олиш;

- мулк ҳуқуқини, шу жумладан улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жойларга мулк ҳуқуқини, шунингдек, ерга ҳамда бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан, ижара асосида фойдаланиш) ҳуқуқини қонун ҳужжатларига мувофиқ олиш.

Тадбиркорликнинг мулкчилик туридан қатъий назар инвестиция фаолияти доирасида давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, корхонанинг ўз маблағлари, тижорат банклари маблағлари ва аҳоли томонидан жойлаштирилган улушли маблағлар ҳисобидан тўғридан-тўғри молиялаш орқали ўз фаолиятини амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестициялар марказлашган инвестиция ҳисобланади.

Инвесторлар ўз сармояларини бирор лойихага жалб қилишдан олдин нафақат сармоя жалб қилинаётган объектни таҳлил қилишади, балки шу объект жойлашган мамлакатда сармояланаётган соҳа ривожланиш даражасини ҳам урганадилар. Ўзбекистон улкан сармояланиш потенциалига эгадир. Мустақиллик даврида Ўзбекистон иқтисодиётини чуқур модернизациялаштиришга қаратилган лойихалар ўз самарасини бераяпти. 2012 йилда ички ялпи маҳсулот ўсиш кўрсаткичлари – 8,2 % ни ташкил этди, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 7,7 % га, шу жумладан истеъмол маҳсулотлари 13,9 % га ўсди. Давлат бюджети ички ялпи маҳсулотнинг 0,4 % ли профицити билан бажарилди. Инфляция кўрсаткичи кутилгандан ошгани йўқ. Ўзбекистонга сармоядорларни жалб қилишда мавжуд ижобий омиллар ва шароитлар қуйидагилар:

1. Сиёсий турғунлик .
2. Тезлик билан ривожланаётган иқтисодий инфратузилма.
3. Қулай солиқ тизими.
4. Қулай географик жойлашув.
5. Минераллар ва хом ашёга бой бўлган база.
6. Юқори малакали ишчи кучи.
7. Яшаш учун қулайлиги.

2007-2012 йиллар давомида Давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар 4,03 баробардан кўпроққа ошди. Молиялаштириш манбаалари бўйича ҳам инвестициялар таркибида катта ўзгариш рўй берди. Иқтисодиётимизнинг реал секторига бюджет маблағлари асосан иқтисодий жиҳатдан аҳамиятга молик устувор ишлаб чиқариш соҳаларини ва алоҳида тармоқларни ривожлантириш учун йўналтирилди. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга бюджетдан ажратилаётган маблағлар камайтирилиб, корхоналарнинг ўз маблағлари

ҳисобидан амалга оширилаётган инвестицияларнинг улуши тобора ошиб бормоқда. Ўйлашимизча, бу миллий иқтисодиётимиз таркибида ижобий ўзгаришлар рўй бераётганидан далолат беради.

Иқтисодиётимиздаги ижобий ўзгаришлар инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари бўйича ҳам муайян ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди. Ўз навбатида 2010 йил Давлат инвестиция дастури аниқ манзилли қисми бўйича жами 111 та инвестиция лойиҳаси киритилган бўлса, шундан ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар 37 та лойиҳа бўйича 555,2 млн.долларни, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар 74 та лойиҳа бўйича 2,46 млрд. долларни ташкил қилди. Бу республикамызда инвестицион хавф-хатарларнинг камайиб боришидан ҳамда инвестициялаш субъектларнинг жозибадорлигини сезиларли даражада ошаётганлигидан далолат беради. Хорижий инвесторлар нефт, газ, тўқимачилик саноатида, шунингдек, транспорт ва алоқа соҳаларида фаоллик кўрсатмоқдалар.

Хорижий инвестициялар Ўзбекистонга, биринчи навбатда, қайта ишловчи тармоқлардаги аксарият саноат корхоналарининг техник ва технологик жиҳатдан такомиллаштириш; саноат соҳасидаги моддий ва энергетик сарфини қисқартириш мақсадида моддий хом-ашё ресурсларидан комплекс ва тежамкорлик билан фойдаланишни таъминлаш; маҳсулотнинг юқори технологик турлари улушини сезиларли кўпайтириш ва саноат ишлаб чиқаришининг экспорт имкониятларини кенгайтириш учун зарур. Шу билан бирга, республикада тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар оқимини кўпайиши миллий иқтисодиётнинг ривожланишида:

- ишлаб чиқариш миқдорини кенгайтириш ва ишлаб чиқаришда экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ҳажмининг ошиши;

- техник базани модернизация қилиш йўли билан, юқори техника ва технологиялардан ҳамда илмий-техник салоҳиятдан юқори даражада самарали фойдаланиш;

- хусусийлаштириш имкониятларининг кенгайиши орқали кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши;

– кириб келаётган чет эл инвестициясининг ортиши сабабли тўлов балансининг яхшиланиши ва бу билан миллий валюта курси қадрининг ўсиши;

– халқаро бозорда ўз ўрнига эга бўлган рақобатбардош маҳсулотлар, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда интеллектуал фаолиятга тааллуқли бўлган соҳаларни кенгайтириш ва рақобатнинг кучайиши;

– сармояларни қишлоқ хўжалигига йўналтириш орқали, соҳада ишлаб чиқаришни ошириш ва республикада ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган янги иш жойларининг яратилиши;

– малакали кадрлар аҳолининг ишбилармон қатлами ҳамда олимларнинг қисқа муддатли иқтисодий-илмий лойиҳаларини амалга оширишда хусусий сармоялардан фойдаланиш эвазига мамлакатда замонавий технология ва ноу-хауларнинг яратилиши, янги иқтисодий соҳа ва тармоқларнинг вужудга келиши каби кўплаб иқтисодий ўсишларни таъминлайди.

Бугунги кунда эса Ўзбекистонда жами 3500 дан кўпроқ қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Республикада хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти АҚШ, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Корея, Хитой, Туркия, Россия, Малайзия, Вьетнам каби давлатлар билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсататдики, автомобил, кимё, электроника саноатида хорижий инвестицияли корхона (ХИК) ларнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши инвестицияларни қабул қилган мамлакатга технологиялар, маркетинг ва бошқаларни жалб этишга нисбатан кўпроқ самара беради. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бошқа хорижий инвестицияларга нисбатан иккита муҳим афзалликларга эга:

Биринчидан, улар узок муддатли характерга эга, шу сабабли қисқа муддатли капиталларнинг чиқиб кетишини вужудга келтирмайди. Бу эса, жаҳон хўжалик алоқаларининг глобаллашуви ва байналминаллашуви

шароитида макроиқтисодий барқарорликни сақлаб туриш учун муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўлов мажбуриятларини вужудга келтирмайди ва шундан келиб чиққан ҳолда ташқи қарзларнинг вужудга келиши ва ортишига олиб келмайди. Бу айниқса, ташқи қарз жиддий муаммо бўлган мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга. Албатта, бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш инвестицияларни қабул қилаётган мамлакатлар учун ҳар доим ҳам фойдали бўлавермайди. Амалиётда баъзи ҳолларда инвестиция қабул қилаётган мамлакат ва хорижий инвесторлар манфаатлари бир-бирига мувофиқ келмайди. Инвестиция қабул қилаётган мамлакат ҳукумати иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга ҳаракат қилади. Хорижий инвесторнинг асосий мақсади эса ўз маҳсулотларининг халқаро рақобатбардошлигини ва фойда ҳажмини оширишдан иборат.

Сўнгги уч йил давомида ўзлаштирилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 4 барабар ошди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар умумий ҳажмининг 30 %и нефт-газ конларини ўзлаштириш лойиҳаларига тўғри келади, 15 %и ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни, 13 %и тўқимачиликни ривожлантиришга сарфланди ҳамда 7 %и молиявий секторга тўғри келади.

Хулоса қилиб, давлатдаги хорижий инвестицион муҳитни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри инвестициялар муҳитини янада ривожлантиришга қаратилган қуйидаги чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга, дейиш мумкин:

- солиқ қонунчилигини соддалаштириш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириш;

- чет эллик инвесторлар мақсади, кўзланган манфаатларини чуқур ўрганиб чиқиш ҳамда таҳлил этиш орқали уларга яратилган қулай шарт-шароитлар ва имтиёзларни кенгайтириш;

- инвестицияларни жойлаштириш, улардан самарали фойдаланиш борасида инвестиция маркетингини кенгайтириш ва ривожлантириш;

– хорижий инвесторларнинг баъзи тоифаларига яратилган имкониятларни барча чет эл инвесторлари учун умумий қонун-қоидалари асосида белгилаш;

– инвесторларни мамлакат инвестиция муҳитида улар учун яратилган катта имтиёзлар ва қулайликлар билан кенг таништириш, уларга етказиш ҳамда уларни хабардор қилиш. Бу борада “Ўзинфоинвест” фаолиятини кенгайтириш.

Ушбу мамлакатларнинг инвестициялари асосан нефтигаз тармоғига телекоммуникация, молиявий секторга, транспорт, таълим ҳамда тўқимачилик ва енгил саноатга жойлаштирилган.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг республикамиз умумий ташқи савдо айланмасидаги улуши ҳам аста-секин ошиб бормоқда. Бу улуш 2009 йилда 36,9 %ни, экспорт соҳасида эса 28,8 %ни ташкил қилди.

Тармоқлар бўйича олганда, саноатнинг машинасозлик ва металга ишлов бериш, енгил, озиқ-овқат, рангли металлургия, кимё ва нефт кимёси, тиббиёт тармоқларида шунингдек, алоқа хизматларини кўрсатиш ва ахборотлаштириш соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг ташқи савдо фаолиятида маҳсулот ва хизматларини импорт бўйича 4,42 млрд. АҚШ долл. ёки республика жами импортининг 46,6 фоизни, хорижий сармоядорлар иштирокидаги корхоналар импортини товарлар таркиби нуқтаи назаридан таҳлил қилсак, уларнинг аксариятини машина ва ускуналар, кимё саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил қилиб келмоқда.

Давлат бюджети ҳисобидан қилинган инвестициялар салмоғи жалб қилинган умумий капитал ҳажмига нисбатан анча пасайди. Бу ҳол давлат бюджетидан молиялаштириладиган инвестицион лойиҳаларга қўйиладиган талабларни кучайтирилганлиги билан изоҳланиши мумкин. Таҳлил қилинаётган даврда инвестицияларнинг катта қисми иқтисодиётнинг базавий

тармоқларини (саноат, транспорт ва алоқани) ривожлантиришга йўналтирилгани аниқланди.

Маълумки, жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг аниқ ва мақсадли йўналтирилишида унинг оптимал технологик таркибига аҳамият бериш ўта муҳимдир.

Иқтисодиётимизга йўналтирилган инвестицияларнинг бугунги кундаги технологик таркиби акс эттирилган. Жараённинг асосий мақсади капитални тубдан модернизациялашга қаратилган. Фикримизча, айнан мана шу соҳадаги жараёнларни янада такомиллаштириш таркибий ислохотлар самарадорлигини янада ошишига олиб келиши мумкин. Иқтисодиётнинг турли соҳаларига ишлаб чиқариш ресурсларини, энергия қувватларини тежашга имкон берувчи инновацион технологияларни кенг жорий этиш ишлаб чиқариш ҳаражатларини сезиларли даражада қисқартиришга, пировард натижада арзон, сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга имкон яратди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатларнинг ривожланиши улардаги инвестицион муҳит билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ривожланаётган мамлакатлар индустриал жихатдан тараққий этган давлатларда қўлланилган инвестицион сиёсатнинг, жумладан, тўғридан-тўғри инвестицияларни рағбатлантириш, ижтимоий соҳаларга инвестицияларни йўналтириш хусусий инвестицион лойиҳаларни имтиёзли молиялаштириш каби воситаларидан кенг фойдаланилади.

Республикамиз раҳбариятининг шу каби чора-тадбирларини ўз вақтида иқтисодиётимизга жорий этиш борасидаги фаолияти миллий иқтисодиётимизни мустақиллик йилларида МДХ мамлакатларига нисбатан анча самарали ривожланишига олиб келди. Бироқ, бугунги кунда миллий иқтисодиётини модернизациялаш зарурати юзага келдики, бунинг учун инвестицион стратегияларни такомиллаштириш, яъни хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни бошқаришнинг оқилона стратегиясини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарнинг жадал ривожланиши қувонарли ҳол, аммо ХИКларнинг республикадаги экспорт импорт операцияларидаги улиши ҳозирча талаб даражасида эмас. Фикримизча бунинг асосий сабабларидан бири ХИКлар ўз стратегиясини ташқи бозорга (экспортга) эмас, балки кўпроқ ички бозорга йўналтирилганлиги билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида турли соҳаларни ривожлантириш мақсадида жалб этилган хорижий молиявий инвестицияларни эркин валюта ҳисоб-китоблари асосида қоплаш муаммосини пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Республикада хорижий инвесторлар иштирокидаги қўшма корхоналарни ҳудудий жиҳатдан жойлаштириш ва ривожлантириш жараёнларини ҳам такомиллаштириш зарур. Яъни жойлардаги хўжалик субъектлари томонидан инвесторларни жалб қилишга қаратилган инвестицион лойиҳаларнинг йўқлиги ёки борлари ҳам халқаро талаблар асосида ишлаб чиқилмаганлигидадир. Ушбу масала бугунги куннинг муҳим муаммоларидан бирига айланган.

Президент Ислам Каримов қатор маърузаларида хорижий инвестицияли корхоналарни оқилона жойлаштириш ва республикамизнинг турли ҳудудларида қўшма корхоналарни ташкил этиш зарурати ҳақида бир неча бор таъкидлаб ўтган эди. Фикримизча, ушбу фикр турли ҳудудларимизни ривожлантириш уларни республикани ташқи иқтисодий фаолиятидаги ҳиссасини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш нуқтаи назаридан жуда муҳим.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг халқаро капитал бозорларидаги рақобат бардошлигини мустаҳкамлаш инвестицион жараёнлар самарадорлиги билан узвий алоқадорликда бўлган қуйидаги учта асосий омилга боғлиқ:

Биринчидан, давлат бошқарувининг рақобатбардошлигини кучайтирмоқ лозим, яъни давлатчилик функцияларининг оптимал ва бошқа мамлакатлардагига нисбатан янада самарали ташкил қилишга имконият

берувчи тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш керак. Амалдаги ва янги қонунларни халқаро талаблар асосида унефикациялаш, уларни мақсадли қўлланилишини таъминлаш, фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодий эркинликларни таъминлаш жараёнларини такомиллаштириш зарур.

Иккинчидан, маҳаллий бизнес ва тадбиркорликнинг рақобатбардошлик лаёқатини кучайтириш керак. Чунки янги инвестицион лойиҳаларни амалга оширишнинг дастлабки босқичида ўзига ҳос иқтисодий капитал қимматли вақтнинг ноўрин сарфланиши туфайли ўз аҳамиятини йўқотиб қўймоқда, натижада биз миллий иқтисодиётимиз учун жуда муҳим бўлган экспортбоп, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни мақсад қилиб олган, импорт маҳсулотларнинг ўрнини босувчи самарали хорижий инвестицияларни бой бериб қўйишимиз мумкин.

Бизнеснинг рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ бўлган иккинчи вазифа, молиявий секторни ислоҳ қилиш билан боғлиқ. Бунинг учун молиявий сектордаги фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш тамойилларини такомиллаштириш даркор. Токи, молия сектори бизнес соҳаси ресурсларга муҳтож бўлган пайтда бу ишни мақбул шартлар асосида иложи борица катта муддатларга ва реал фоизлар асосида таъминлай олсин.

Учинчидан, инсон капиталининг, фуқароларимизнинг иш билан таъминланиш ва даромад олиш имкониятлар бизнесдаги юқори рақобат муҳити шароитида фаолият юрита олиш қобилиятлари билан белгиланади. Бу рақобат аста-секин факт бизнинг фуқароларимиз ўртасида, балки маҳаллий хорижий мутахассислар ўртасидаги рақобатга ҳам айланиши мумкин. Инсон капиталининг ривожланиши, умуман олганда, одамнинг ҳаёти ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқ шу сабабли биз илгари бизнес устунлик қилиши кераклиги назарда тутилмаган соҳаларда (яъни, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида, уй-жой коммунал хўжалиги ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин) бизнес олиб бориш учун қулай шарт-шароитларни яратишимиз керак.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш иш тажрибасидан келиб чиқиб, ижтимоий йўналган бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва миллий иқтисодий хавфсизлик муаммоларни самарали ҳал қилиш имкониятларига эга бўлишимиз учун иқтисодий ўсиш суръатларини йилига 7-8 %дан пасайтирмасликка эришишимиз керак. Бунга, аввало, ички талаб ва бозорни ривожлантириш ҳисобига эришамиз.

Фикримизча, давлатларнинг рақобатбардошлик даражаси уларнинг жаҳон бозоридаги вакили ҳисобланган корхоналари ва компанияларининг рақобатбардошлик даражаси билан белгиланади. Давлатнинг фаровонлиги эса охир оқибатда мамлакатнинг ЯИМ кўлами ва миллий даромадни яратувчи корхона ва ташкилотлар оладиган фойданинг даражаси билан белгиланади. Шундай қилиб, миллий иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги муваффақиятлар халқаро миқёсида фаол иш олиб боришга қодир бўлган корхона ва компаниялар фаолияти билан узвий боғлиқ.

Назаримизда, инвестицион жараёнлардаги айрим камчиликларнинг шаклланиш сабабларини амалдаги инвестицион менежмент тизимидан излаш керак. Ҳозирги кунда республикамызда шаклланган инвестицион менежмент тизими хусусий мулкчиликнинг интенсив ривожланишига бир мунча тўсқинлик қилувчи уни модернизация-лаштириш даражасини секинлаштирувчи омил бўлиб келмоқда. Инвестицион жараёнларни бошқариш тизимини модернизациялаш, тизим фаолиятини маъмурий – буйруқбозлик услубларидан озод этилиши инвестицион муҳитни янада такомиллашувига олиб келади.

Амалдаги имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари тизими қуйидагилардир:

– ишлаб чиқариш ҳажмида товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти камида 30%ни ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклларида катъий назар, фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки барабар камроқ тўлаш ҳуқуқини бериш;

– республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этиш;

– ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз бемалол четга олиб кетиш;

– Ўзбекистон ҳудудида қўшма корхоналарнинг ва фақат хорижий сармоя билан ишлайдиган корхоналарнинг Устав фондига ҳисса қўшиш учун мол-мулкни четдан бож солиғисиз олиб кириш;

– инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини танлов асосида сотиб олиш.

Хорижий сармоядорларга нисбатан инвестициялар амалга оширилган пайтда амалда бўлган қонун меъёрлари (нормалари) 10 йил мобайнида қўлланиши кўзда тутилган қонун ҳужжатлари ўзгартирилмаслигига кафолат мавжуд.

Шундай қилиб, вужудга келтирилган ҳуқуқий нормалар (меъёрлар) хорижий шерикларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай имкониятлар яратиб, уларнинг ҳуқуқлари ва сарфлаган сармоясини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида Германия, Туркия, Миср, Индонезия, Малайзия, Покистон, Финляндия, Корея, АҚШ, Франция билан битимлар имзолади, бошқа бир қанча мамлакатлар билан ҳам шундай битимлар тузиш давом эттирилмоқда.

Канада, Хитой Халқ Республикаси, Туркия, Голландия, Германия, Швейцариябанклари ва фирмалари билан 3,3 млрд. АҚШ доллариға яқин миқдорда ҳукуматлараро 32 та йирик кредит битими тузилди. Ҳозир бу битимлар амал қилмоқда. Ўзбекистон 30 дан ортиқ савдо ва иқтисодий битимлар тузган. Улардан 20 таси узоқ хориж мамлакатлари билан тузилган. Умуман, мустақилликка эришилгандан сўнг республикаға 5 млрд. АҚШ доллари кириб келди. Бугунги кунда жами хорижий инвестицияли корхоналар сони 4443 тани ташкил қилади.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан иқтисодиётнинг ҳар хил соҳалари бўйича ва мамлакатнинг турли ҳудудлари учун афзал бўлган инвестиция

лойиҳалари тизими ишлаб чиқилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги мукаммал аналитик базага эга бўлган 178 лойиҳа мавжуд бўлиб, улардан айримлари ҳозирданок жорий қилинмоқда (6-расм).



6-расм. Давлат инвестиция дастури йиғма рўйхати

Масалан, ягона замонавий навигация тизимини яратиш иккинчи фазада амалга оширилмоқда; тракторлар, самолётлар, автомобиллар ишлаб чиқариш учун машинасозлик базасини яратишга ҳам аллақачон киришилган.

Ташқи алоқалар жараёнида салмоқли ютуқларга эришишимиз билан бирга, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан иқтисодий ислохотларни амалга ошириш давомида учраётган муҳим ва долбзарб муаммолар ҳали эчимини топгани йўқ. Бунга бир неча сабаблар бор:

Биринчидан, ташқи тузилмалардаги экспорт ишлаб чиқаришида туб ўзгаришлар рўй бермагунча, хом ашё маҳсулотлари, аввало, пахта салмоқли ўринда тураверади, шунингдек, бой туристик имкониятлардан асло етарли даражада фойдаланилаётгани йўқ.

Иккинчидан, қолоқ (жаҳон стандартларига нисбатан олганда) технологиядан ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш паст даражада давом этмоқда, айниқса, республиканинг хом ашё маҳсулотларини қайта тайёрлайдиган соҳалари бўйича ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилмаган. Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмаётгани экспорт база тараққиётини чеклаб қўйишда асосий тўсиқ бўлмоқда.

Учинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштиришга оид қабул қилинган қарорлар маъмурий-ташкилий тадбирлар миқёсида ўз ижросини топмаяпти ҳамда иқтисодий ва амалий чораларни ҳал этишда қатъиятлилиқ етишмаяпти.

2. “Ўзбектелеком” АКда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари

Ўзбекистоннинг ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти моделида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, республиканинг жаҳон хўжалик алоқаларига бирлашиш йўлларини белгилаш, шунингдек, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ривожланиши ва республика интеграцияси йўналишларининг жаҳон хўжалик алоқаларида мустаҳкамланиши асосий ўрин эгаллайди.

Тадқиқотлар натижасида “Ўзбектелеком” АКнинг инвестицион фаолиятини бошқариш ҳамда корхонанинг инвестицион жалб қилувчанлигини ошириш концепцияси ўз ичига қўйидаги стратегияларни яратиш лозим:

- компанияни тижорат ва маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш;
- компаниянинг ташкилий-бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш;
- компанияни технологик янгилаш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- компанияни валютавий тушумини кенгайтириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

- хизмат кўрсатишга янгича ёндашув стратегиясини ишлаб чиқиш;
- дилерлик тармоғини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш.

Таклиф этилаётган стратегиялар орасида инвестицион фаолиятни бошқаришни такомиллаштиришга тўғридан тўғри таъсир этадиган стратегия бу – компаниянинг валютавий тушумини кўпайтириш стратегияси ҳисобланади.

Фикримизча компанияни ривожлантиришни маркетинг стратегиясини самарали амалга ошириш учун авваламбор кўйидаги йўналишларда амалий ишларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- Абонент бўлимларини такомиллаштириш, у ягона корпоратив стандартга мувофиқ бўлиши, бозорнинг эстетик талабларини ҳисобга олган ҳолда бўлиши керак, у ўз ичига фасаднинг таъмирланиши ва биноларнинг интерьерларини ҳам, интерьер нарсалари ва жиҳозларининг ҳамда компьютер ва ташкилот техникаларини янгилашни ҳам ўз ичига олиши керак.

- Бизнес-жараёнлар ва уларнинг автоматлашувини янгилаш билан филиаллар абонентлари билан ишлашнинг ягона умумлашган жараёнини киритиш (филиалларнинг биллинг тизимли Ягона ойна модулларини киритиш).

- Мижозларга хизмат кўрсатиш стандартлари ва ишларига тамомила янги талабларни киритиш – Компания барча Фронт-офиси бўлинмалари (филиаллари) нинг кадрлар таркибида комплекс ислохотлар олиб бориш, яъни бу бўлинмаларга абонент бўлимлари (Ягона ойна тамойилига асосан), марказлаштирилган телефон қилиш маркази (ягона рақамларга эга ахборот хизмати ва техник ёрдам кўрсатиш хизмати), жойига чиқиб техник ёрдам кўрсатиш маркази (монтер ва бошқалар) киради. Бошқа сўзлар билан айтганда – ислохотлар мижозлар билан тўғридан-тўғри муносабатга киришиш функциясига эга ҳар бир ишчи ва бўлинмани ўз ичига олиши даркор.

Компания аппаратида бошлаб сотувларни оператив бошқаришнинг аниқ ва тушунарли вертикалини киритиш. Ушбу қуйи лойиҳа сотувларни марказлаштирилган бошқаришнинг аниқ ва мустаҳкам вертикалини ташкил этишни ўз ичига олади, бунда ушбу вертикал бирламчи маъно ва мазмунга эга бўлиши керак ва бошқа барча бўлинмаларга ишлаш жадаллиги ва йўналишини кўрсатиб бериши керак. Шу билан биргаликда, ушбу лойиҳа доирасида сотув вертикали ишчиларини рағбатлантирувчи тамоман янги, тушунарли ва асосийси тўғри ишловчи модел киритилиши даркор. У қимматли ишчиларни жалб қилиш ва ушлаб туришнинг асосий омили бўлиб қолади (бозорда тўлов даражасининг рақобатбардошлилиги) ва аксинча, вертикал кучсиз ишчилардан тозаланади.

Ўз-ўзидан маълумки, ушбу комплекс лойиҳа бир босқичда амалга оширилиши мумкин эмас. Шундай бўлса ҳам, лойиҳани биринчилар қаторига қўшиш керак ва унинг биринчи босқичини 2011 йилнинг иккинчи чорагида амалга ошириш даркор. Бунда Тошкент шаҳрида ва вилоятларда камида 1-2 тадан тамоман янги сотув офисларини тақдим этиш керак. Биринчи босқич доирасида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти барча абонентларига хизмат кўрсатишнинг ягона телефон қилиш марказлари ишларини ислохот қилиниши ҳам тугатилиши керак.

Лойиҳанинг иккинчи босқичи 2012 йилнинг ярмида тугатилиш керак, бунда абонент бўлинмаларининг ҳаммаси такомиллаштирилган ва янги сотув офислари сифатида таништирилган бўлиши керак, уларнинг ҳажми худди шундай бўлиши шарт эмас. Мижозларнинг барча қўнғироқлари эса ягона телефон қилиш марказида ишланади.

Хулоса қилиб айтганда, лойиҳани амалга ошириш натижасида Компания умумлашган сотув тизими ва тармоғига эга бўлади. У ўз ичига Компания барча филиалларининг аҳолига кўрсатаётган ҳамма хизматларини қамраб олади. У территориал чегараларга эга бўлмайди, яъни ҳоҳлаган сотув офиси компаниянинг исталган мижозига хизмат кўрсатиши мумкин, бунда у махсус талаб ва чекловларга эга бўлмайди.

Таҳлилларимиз кўрсатадики, алоқа соҳасидаги хусусийлаштиришнинг, рақобат ва тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг афзалликларини тушуниб, улардан фойдаланаётган мамлакатлар сони тобора ортиб боргани сайин, соҳанинг динамикаси, ривожланиши ва халқаро тус олиши кенгайиб бормоқда. Майда миллий бозорлар борган сари бошқа мамлакатларнинг бозорлари билан алоқаларини ривожлантирмоқда, бу эса технологиялар тезкорлик билан алмашилиши ва рақобат ривожланишига шарт-шароит яратмоқда. Алоқа компаниялари ўртасида тегишли келишувлар сони кўпайгани сайин тармоқларга уланганлик учун ананавий халқаро тарифлар тобора камроқ қўлланилмоқда. Бундан ташқари, чет эл компанияларининг ўз тармоқларини ривожлантиришга қаратилган инвестициялари олдинги бошқариладиган иқтисодиётда иложи бўлмаган ривожланиш вариантларини танлаш имконини бермоқда.

Ўзбекистондаги алоқа соҳасининг ривожланиш жараёнларига унинг алоқа воситалари билан таъминланганлиги ва янги технологиялар билан жиҳозланганлиги катта таъсир кўрсатади. Ҳозирча мамлакатимизда алоқа воситалари саноати ривожланган мамлакатлар даражасидаги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имкониятини бермайди. Шу сабабли эксплуатация қилувчи корхоналар асосан чет эл технологиялари ва техникасини афзал кўрадилар. Бунинг натижасида кейинги йилларда мамлакатимизга хорижий алоқа воситалари оқиб кела бошлади. Алоқа соҳасини замонавийлаштириш бўйича барча йирик лойиҳалар чет эл технологиялари негизида амалга оширилди. Ҳали шаклланиб улгурмаган мамлакатимиз бозорининг дунё рақобатига дош бериши қийинлиги табиий. Шу сабабли мамлакатимиз алоқа воситалари саноати кучли ҳимоялаш ёрдамига муҳтождир.

Ўзбекистоннинг алоқа соҳасидаги ўзгаришларни, рақобатни ривожлантириш асоси сифатида уни халқаролаштириш жараёнларини таҳлил қилиш, бир томондан, шуни кўрсатадики, иқтисодиётнинг ўтиш даврида соҳа тармоқларини тез ва самарали кенгайтириш халқаро савдо ҳажмини

кўпайтириш, инвестициялар жалб қилиш ва миллий ишлаб чиқарувчиларнинг самарадорлигини ошириш учун шарт-шароит яратади. Иккинчи томондан, иқтисодиётда, айниқса кўрилаётган соҳада бозор муносабатларига тезлик билан ўтиш юз бермоқда. Ушбу ўзига хос хусусиятлар соҳани молиявий бошқаришда янгича ёндашувларни талаб қилмоқди. Бу эса, молиявий бошқарувда янги тамойиллар ҳам татбиқ қилиниши кераклигидан далолат беради.

Алоқа соҳасини молиявий бошқариш тизимининг тамойилларини аниқлаб олиш уни макроиқтисодий бошқариш жараёнларини амалга оширишнинг, ушбу объектни ривожлантиришнинг ва унинг экспорт салоҳиятини ўстиришнинг у ёки бу сценарийсини ишлаб чиқиш ва уни вариантли прогноз қилишнинг энг муҳим шarti ҳисобланади. Буларни ишлаб чиқишда алоқа соҳаси локал тузилмадан иборат эмаслигини назарда тутиш лозим. У жамиятнинг аниқ бир иқтисодий тузилмасида, муайян иқтисодий шароитда иш олиб боради. Шу сабабли фақат алоқа соҳаси молиявий бошқаруви тизиминигина белгиловчи тамойиллар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Уларнинг алоқадорлиги ва бир-бирига боғлиқлигидаги яқка ҳолдалиқ, ўзига хослик ва умумийликнинг ўзаро боғлиқлигини акс эттирувчи тамойилларнинг қандайдир мажмуи бўлиши зарур.

Алоқа соҳаси мамлакат умумий хўжалиқ тузилмасининг бир қисмидир холос ва шу сабабли ушбу соҳанинг молиявий менежмент тизимини ривожлантириш бутун давлат иқтисодиётини ислоҳ қилиш доирасидан ташқарида кўрилиши мумкин эмас. Бу борада алоқа соҳаси тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш жараёнларини белгиловчи энг умумий тамойиллар бутун давлат иқтисодиёти умумий тамойилларига тўла мувофиқдир.

Шу билан биргаликда Компаниянинг бу стратегияси ривожланишнинг технологик стратегиясининг асосини ташкил қилади, бошқача қилиб айтганда, у бошчилик қиладиган стратегиядир. Тижорат ва маркетинг стратегиянинг асосий вазифаси 2011 йилнинг ўзидан бошлаб асосий йўналиш ва кўрсаткичлар бўйича юқори динамикани таъминлаш ва уни белгиланган

муддат давомида қўллаб-қувватлаб туриш. Бу стратегия кўпчилик лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилиши сотиш ва даромад динамикасига тўғридан-тўғри ва минимал муддатларда таъсир қилиши сабабли улар кўпчилик ҳолларда биринчи даражали ишлар сифатида қабул қилинади.

Тижорат стратегиясининг асосий вазифаларидан бири – “Компанияни мижоз томонга ўтиши ва мижозга яқинроқ бўлишдир”, бу эса ўз-ўзидан абонент база ва даромадни кўтариш омилларини таъминлайди. Шу сабабдан, бу стратегия доирасида қатор концептуал лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Аҳолига “Бир Ойна тизими” орқали хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича комплекс лойиҳасини амалга ошириш айнан шу вазифага қаратилган. Бугунги кунда Компания барча операторлар орасида энг кенг ва республика ҳудуди бўйича ёйилган абонентлар бўлими тармоғига эга. Шу билан бирга, бугунги кунда Компания ишлаб чиқариш тармоғи ва ҳудудий қамраб олинганлиги бўйича энг кучли технологик потенциалга, телекоммуникация хизматларининг энг кенг спектрига ва умуман олганда рақобатбардош тарифларга эга. Аммо бу омилларининг ҳаммаси абонент бўлимлари ишларининг хаддан ташқари паст унумдорлилиги (сотув вертикалининг шартлилиги), мижозларга хизмат кўрсатишнинг паст даражадалиги ва сотувларни бошқаришнинг аниқ вертикалининг йўқлиги минимал даражага олиб борилмоқда. Бундай муаммолар Компанияга ўзининг, олиб қаралганда, техник параметрлар жиҳатидан анча кучсиз рақобатбардошлари билан рақобат қилишга имконият бермаяпти. Бундан ташқари, компаниянинг деярлик барча филиаллари сотув бир тизимига тўлақонли интеграциялашмасдан ва мижозлар билан ўзаро муносабатларни бошқариш бир бутун тизимсиз ўзининг сотув офислари тармоғини ўзлари ривожлантирадилар. Шу тариқа, мижоз Компания филиаллари хизматларини ўзаро тасаввур қила олмайди, уланиш, тўлаш ва бу хизматларини бошқариш мижоз учун қийинлашиб боради. Бир ойна тизими орқали хизмат

курсатишни ташкил этиш сотув бўлимларининг анча унумдор ва самарали ишлашини, бозор талабларига жавоб берувчи хизмат кўрсатишнинг ягона стандартини киритишни таъминлайди, ва энг асосийси – “Компанияни мижоз томонга ўгиришга, уни мижозга яқинроқ булишига имкон яратади ҳамда мижоз билан Компания ўртасидаги ўзаро муносабатларни енгиллаштиради.

Муаллифнинг фикрича “Ўзбектеком” АКни фаолият самарадорлигини оширишчора-тадбирлари ишларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Абонентлар сонинг ошириш бунда киритилган инвестицияларни интернет тармоғини ривожлантириш (UZONLINE) ва мобил алоқани ривожлантиришга йўлланиши лозим (UZMOBILE). Мобил алоқа бозорига этибор берсак асосий бозор улушини хориж компаниялари эгаллаган буни олдини олиш мақсадида абонентларга танлаш имкониятини (GSM ёки CDMA) яратиш ва амалда жорий этиш лозим.

2. Иқтисодий ривожланишида чет эл тажрибасига таянган ҳолда ходимларнинг чет эл давлатларига бориб ўқишини ташкиллаштириш ва таъминлаш жараёнини киритиш.

Бугунги кунда ахборот воситалари ривожланиб, ахборот воситаларига ёндашувнинг янгича тури ва усуллари жорий этилмоқда мадакали кадрлар иш самарадорлигини таъминлашда асосий рол сифатида қаралади буни жорий этиш бугунги куннинг долзарб масаласи сифатида қаралади.

3. Мижозларга хизмат кўрсатишда таълаб даражасини ўрганиш (бунда хизмат кўрсатилган ҳар бир мижоздар сотсиалогик сўровлар ташкил этиб талабни аниқлаш) ва талабга қараб инвестицияни жалб этиш ва такомиллаштириш. Алоқа хизматларининг асосий мақдас мижозларнинг, халқнинг манфаатини қондириш бунинг учун эса хизмат кўрсатилган ҳар бир мижоздар сотсиалогик сўровлар ташкил этиб талабни аниқлаш ва талабга қараб инвестицияни жалб этиш ва такомиллаштириш лозим.

4. Иқтисодий реал секторларини ривожланишида ахборот воситаларини ўрнини аниқлаш ва қўшимча чора тадбирларни киритиш

Бугунги кунда ишлаб чиқариш ривожланмоқда тадбиркорларни талабидан келиб чиққан ҳолда ахборот воситаларини киритиш ва ахборот воситаларидан фойдаланишни ташкил этиш.

III БОБ бўйича хулоса

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда Алоқа хизматлари бозорида ислохотлар ўтказилган сари дунё бозорига йўл кенгайиб, халқаро савдо ҳажми ва алоқа воситаларидан фойдаланиш даражаси ошиб боришини ҳисобга олиш зарур.

Умуман олганда телекоммуникация хизматлари бозорида “Ўзбектелеком” АК истеъмолчиларининг истиқболдаги талабларидан келиб чиққан ҳолда инвестиция фаолиятини ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, мавжуд хизматлар ёки технологик жараёнларни ривожлантиришда истеъмолчиларнинг келгуси талабларини инобатга олиш лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида телекоммуникация ва маълумот узатиш соҳаси бўйича миллий операторнинг инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат инвесторларни жалб этишда жуда кўп ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи, қўшма тадбиркорлик ва хорижий капитални жалб қилиш ва уларга имтиёзлар беришга қаратилган Президент Фармонлари қабул қилинмоқда. Ушбу Фармонларнинг қабул қилиниши хорижий инвестицияларни жалб қилишни янада жадаллаштириб, иқтисодимизнинг реал секторида ўрнини кенгайтиради. Иқтисодиётда ўзининг салмоқли хиссасини қўшиб келаётган Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ҳам инвестиция билан тامينланиши, алоқа хизматларининг сифатини ортиб боришига хизмат қилади.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган давлат сиёсати бўлган иқтисодиётни эркинлаштириш масаласи, бевосита чет эл сармоясини мамлакатимизга олиб кириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарлар очиш ва уларни ривожлантиришга кенг йўл очиб бермоқда. Чунки бу жараёнларни амалга оширишда жуда кўп турдаги тўсиқлар мавжуд. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, хорижий давлат корхоналари ва бизнинг корхоналар ҳамкорлигида иш юритади. Ўзбекистон Республикасида хом-ашё ресурслари, арзон ишчи кучининг мавжудлиги мамлакатда маҳсулот ишлаб чиқариш, уни тайёр ҳолатга келтириш ва қайта ишлаш таннарҳи бошқа давлатлардагига қараганда арзонроқ тушади.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг етакчи тармоқларидан бири “Ўзбектелеком” АК фаолиятида инвестицион фаолиятни кучайтириш ва самарадорлигини ошириш илмий тадқиқот ишининг долзарб масаласи сифатида қаралиб муаллиф томонидан бир қатор камчиликлар ўрганиб чиқилиб, бартаф этиш мақсадида тафсиялар берилди:

– алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инвестициялар бозорини янада ривожлантиришнинг йўллари ўрганиб чиқилиб, унинг дастурини ва асосий режаларини ишлаб чиқиш, унга риоя қилиш ва у асосида инвестиция бозорининг асосий йўналишларини режалаштириш зарурдир;

– абонентлар сонинг ошириш бунда киритилган инвестицияларни интернет тармоғини ривожлантириш (UZONLINE) ва мобил алоқани ривожлантиришга йўлланиши лозим (UZMOBILE);

– иқтисодиётни ривожланишида чет эл тажрибасига таянган ҳолда ходимларнинг чет эл давлатларига бориб ўқишини ташкиллаштириш ва таъминлаш жараёнини киритиш;

– миқозларга хизмат кўрсатишда талаб даражасини ўрганиш (бунда хизмат кўрсатилган ҳар бир миқознинг социологик сўровлар ташкил этиб талабни аниқлаш) ва талабга қараб инвестицияни жалб этиш ва такомиллаштириш;

– инфратузилма объектлари ва хусусий мулк, ер ва фойдадан ундириладиган солиқлар тизимига имтиёзлар киритиш, адолатли тарзда иқтисодий категориялар яратиш;

– импортёр давлатнинг бир қатор қулайликлари ва иқтисодиётнинг тузилмавий қайта қурилишини таъминловчи тармоқ корхоналарига хорижий сармоя киритишнинг хусусиятларини белгилаб беришни таъминлаш;

– солиқлар ва акцизларни, маҳаллий қизиқишларни инобатга олган ҳолда устама қийматларни назорат қилишни амалга оширувини таъминлаб берувчи маҳаллий божхона ва божхона постларининг иккиламчи тарздаги бўйсинувини таъминлаш, маҳаллий минтақавий божхоналарга киритилаётган ва олиб чиқиб кетилаётган товарлар устидан имтиёзлар бериш ҳуқуқини яратиб бериш, ундан тушган даромадни қисман маҳаллий бюджетга йўналтириш;

– иқтисодиётни реал секторларини ривожланишида ахборот воситаларини ўрнини аниқлаш ва қўшимча чора тадбирларни киритиш

(бугунги кунда ишлаб чиқариш ривожланмоқда тадбиркорлар талабидан келиб чиққан ҳолда ахборот воситаларини киритиш);

– илмий ва амалий семинарлар ташкил этиш, соҳанинг долзарб муаммоларини аниқлаш.

Умуман олганда телекоммуникация хизматлари бозорида “Ўзбектелеком” АК истеъмолчиларининг истиқболдаги талабларидан келиб чиққан ҳолда инвестиция фаолиятини ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, мавжуд хизматлар ёки технологик жараёнларни ривожлантиришда истеъмолчиларнинг келгуси талабларини инобатга олиш лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида телекоммуникация ва маълумот узатиш соҳаси бўйича миллий операторнинг инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Фармон ва Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Алоқа тўғрисида”ги Қонуни. 1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 165-сонли “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қарори. 1997 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 458-сонли “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2000 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-916-сонли “Инновацион лойиҳаларни ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2008 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маърузалари ва асарлари

6. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: “Ўзбекистон”, 270 бет. 1995 йил.
7. И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: -“Ўзбекистон”, 276 бет. 1997 йил.
8. И.А.Каримов. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. // Халқ сўзи, 2007 йил 8 декабр.
9. И.А.Каримов. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат килиш - олий саодатдир. -Т.: Ўзбекистон, 2007 йил.
10. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: “Ўзбекистон”,

58 бет. 2008 йил.

11. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари //Т: Ўзбекистон, 56 бет. 2009 йил.

12. И.А.Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2014 йил 20 январь.

Асосий қўлланма ва адабиётлар

13. Е.А.Голубецкая и др. Экономика связи. М. РиС 2006 год.

14. Т.Т.Жўраев Иқтисодий ресурслар доиравий айланиш жараёнининг назарий асослари ва самарадорлигини ошириш омиллари. Тошкент, “Иқтисод-молия” 2006 йил.

15. Статистический сборник о деятельности администраций связи за 2007 г. Исполнительный Комитет РСС. М.: 2007 год.

16. “Ўзбектелеком” АКнинг 2007-2012 йиллар учун молиявий ва статистик маълумотлари.

17. ICT Trends in CIS Internation telecommunication union, Telecommunication development bureau. July 2008 year.

18. Internation telecommunication union World Telecommunication/ICT development report for 2008 year. Measuring ICT for Social and Economic Development

19. World Summit on the Information Society, Geneva 2003 - Tunis 2005. Outcome Documents. /ITU. Geneva, 2005.

Мақола ва маърузалар

20. И.И.Искандеров Национальная экономика Узбекистана в условиях глобализации мировой экономики. // Сбор. трудов. Проблемы устойчивого экономического развития в условиях углубление рыночных реформ в Узбекистане -Т.: стр. 19-26, 2004 год.

21. А.М.Кодиров, К.Шакирова, Инновационный потенциал повышение

конкурентоспособности национальной экономике. // Сбор. трудов. Мировой финансово-экономический кризис: национальные интересы и инновационная политика, том 2, 2009 год.

22. A.M.Kadirov, A.G.Nuriddinov Information technologies in improvement of system relations with clients.//The opportunities for Application of Information and Modern Technologies for Development of education and Economic Growth. T.: 2003, pp. 161-163 (TSTY Korean Association of Logos Management Ustoz Republican Foundatiion).

23. М.М.Махмудов Роль отрасли связи и информатизации. Ж. “Экономический вестник Узбекистана”, №6. стр. 17-20. 2003 год.

24. Финансы Ж. Методы оценки имущества предприятий в условиях приватизации. №9. 1993 год.

25. В.Михайлов Оценка эффективности альтернативных вариантов инвестиционного проекта. //Ж. «Экономический вестник Узбекистана. №1-2. 1999 год.

26. М.Мирзаев, Н.Зайниев Инновационные процессы - в действии. //Ж. Экономика и статистика. №11-12. 1997 год.

27. М.П.Нарзакулова Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш омиллари//“Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: миллий манфаатлар ва инновацион сиёсат” Республика илмий-амалий конференция материаллари – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, 2 жилд. 2009 йил.

28. А.Ф.Расулев, А.К.Бедринцев Модель открытой экономики Республики Узбекистан – основа углубления интеграции в мирохозяйственные связи. Ж. Общество и экономика, №7-8, 1999 год.

29. В.Фидлянов, М.Марушина Интеграция инновационной сферы. – М.: Экономист, №2, 1997 год.

30. А.Хикматов, А.Расулев, Р.Алимов “Стратегия и тактика структурных преобразований в национальной экономике Республики Узбекистан”. Экономический Вестник Узбекистана. №10-11, 1999 год.

31. Л.И.Шибаршова Отраслевие и территориальные структурные

преобразования в сфере почте и телекоммуникации «Экономический вестник Узбекистана», № 3. 1999 год.

32. А.Х.Бустанов, Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда инвестицион фаолликнинг аҳамияти // “Ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизимларини самарали ривожлантириш истикболлари” Республика илмий-техник анжумани, Т.: 2014, 321-322 бетлар.

33. А.Х.Бустанов, Методы оценки эффективности инвестиционных проектов // “Таълим тизимини ривожлантиришда таълим босқичлари ўртасидаги интеграция жараёнларини чуқурлаштириш” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани, Т.: 2014, 151-153 бетлар.

34. А.Х.Бустанов, Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестиция сиёсати // “Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари” Республика илмий-амалий конференцияси, Т.: 2014, 47-49 бетлар.

35. А.Х.Бустанов, Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицион фаолиятни жадаллаштириш // “Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари” Республика илмий-амалий конференцияси, Т.: 2014, 79-80 бетлар.

Монография ва авторефератлар

36. А.Н.Арипов, Т.К.Иминов «Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари» Монография -Т.: “Фан ва технология”, 2005 йил.

37. М.А.Махкамова Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях РУз. Диссертация на соис. уч.ст. д.э.н. стр. 291. Т.: 2004 год.

38. Х.А.Мухитдинов, О.К.Иминов Проблемы повышения финансово-экономической эффективности инфокоммуникационных услуг в Узбекистане. Ташкент. “Академия”. 2007 год.

39. Ш.А.Турсунов “Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантириш истикболлари” Монография, Тошкент, 2013 йил.

Интернет ресурслар

40. <http://www.ccitt.uz> (Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси)

41. <http://www.ict.gov.uz> (Компьютер ва ахборот – коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш)

42. <http://www.stat.uz> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси)

43. <http://www.uzinfocom.uz> (Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази)